Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 16 ноябрь, сешанба № 216—217 (21.568). Сотувда эркин нархда.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ



СУРАТДА: қабул пайти.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.

15 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг мамлакатимиздаги фавқулодда мухтор элчиси этиб тайинланган Пол Бернни қабул қилди. Элчи Президентга ишонч ёрлиғини топширар экан, мамлакатининг Ўзбекистондаги биринчи элчиси сифатида иш бошлаётганидан фахрланишини изҳор этди.

Ўзбекистон Президенти жаноб Пол Бернни масъулиятли ва шарафли вазифа билан қутлади. Халқларимиз ўртасида дўстона муносабатлар равнақ топиши йўлида элчи жаноблари ўз ҳиссасини қўшажагига умид билдирди.

— Биз Буюк Британиянинг халқаро майдондаги нуфузини ҳурмат қиламиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Ишонч ёрлиғи топшириш маросими Ўзбекистон делегациясининг бу юртга сафари арафасида ўтаётгани ҳар икки томон ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш тарафдори эканидан дарак беради.

Маросимда республика ташқи ишлар вазири Саид мухтор Саидқосимов ҳозир бўлди.

(ЎзА).

• *8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

БАЙРАМОЛДИ ТАРАДДУДИ

• Андижон

Шаҳрихон туманидаги «Сардор» жамоа хўжалиги йиллик пахта тайёрлаш режасини 110 фоизга бажарди. Дала шийпонида ўтказилган тантана пахтакорларнинг ушбу ғалабаси ҳамда Республикамиз Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигига бағишланди. Унда Асосий Қонуннинг тарихий аҳамияти, мазмуни ва демократик моҳияти ҳақида мароқли суҳбат бўлди.

Ушбу маросимда Шаҳрихон тумани ҳокими Ҳабибулла Янгибоев ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон вилояти кенгашининг иккинчи котиби Йўлдошали Собиров қатнашдилар.

Шуҳрат МУСАЕВ.

• Қашқадарё

● Қарши шаҳар партия кенгаши мамлакатимизда нишонланаётган турли байрам ва шодиёна кунлари ҳокимлик билан биргаликда нишонлаш бўйича етарли тажриба тўпламоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг бир йиллигини ҳам умумхалқ байрами сифатида кутиб олиш юзасидан ҳамкорликда иш олиб борилмоқда.

Айни пайтда корхона, муассаса, партия ташкилотлари, маҳаллалардаги ХДП ҳудудий ташкилотлари Ўзбекистон Конституцияси ва унинг моҳиятини аҳолига кенг тушунтирмоқдалар. Меҳнаткашлар билан ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларининг қизиқарли учрашувлари ташкил этиляпти.

Ҳозир байрамолди ташвиқот ишлари авж олиб кетди. Бу борада Беглар, Қўрғонча, Боғишамал, Кунчиқар, Янгитурмуш маҳаллаларида оқсоқоллар, ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари амалга ошираётган ишлар ибратли.

Шунингдек, Конституциямизнинг бир йиллиги муносабати билан турли корхоналар, ташкилотлар кам таъминланган оилалар, меҳнат ва уруш фахрийлари, болалар уйи тарбияланувчиларини моддий қувватлашга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу ўринда шаҳардаги вино-консерва, тажриба-ремонт, механика заводлари, нон маҳсулотлари комбинати, темир йўл бўлими, «Ўзбекнефтегазгеология» ва тикувчилик бирлашмаларида кўрилаётган ҳамда амалга оширилаётган чора-тадбирларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мусо КАРОМОВ.

• Жиззах

● Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилояти кенгаши республика Ёзувчилар уюшмасининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда Ўзбекистон Конституцияси бир йиллиги олдидан қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар. Маҳаллий ижодкорлар билан учрашувлар, суҳбатлар ўтказилаётир. Юнус Ражабий номидаги Жиззах мусиқали драма театри ҳамда вилоят филармонияси санъаткорларининг концерт дастурлари дала меҳнатчиларига манзур бўлаётир.

Шу хилдаги дилкаш учрашувлардан бири Зафаробод туманидаги Абу Райҳон Беруний номли ижара ширкат хўжалигида бўлиб ўтди. Вилоят ижодкорлари ва санъаткорларининг бу галги маданий сафари қутлуғ айём — Ўзбекистон Республикасининг Асосий Қонуни — Конституция қабул қилинганлигининг бир йиллигига бағишланди.

Мўлжалдаги «оқ олтин» хирмонини тиклаб, бу борадаги йиллик режаларини 150 фоизга адо этган пешқадам хўжаликнинг пахтакорлари билан бўлган учрашув Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши тарғибот бўлими мудири Таваддуд Аъламованинг «Бахтимиз қомуси — Ўзбекистон Конституцияси» хусусидаги суҳбатидан бошланди.

Шундан сўнг вилоят ижодкорлари истиқлолни мадҳ этувчи шеърларидан ўқиб бердилар. Вилоят филармонияси хонандалари чиқишлари ҳам қизиқиш билан кутиб олинди.

Учрашув сўнгида сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Зафаробод тумани кенгашининг биринчи котиби Шомурод Мавлонов ҳамда хўжалик раҳбари Мамадиёр Нуралиевлар туман ҳамда хўжалик пахтакорларининг республикамиз «оқ олтин» хирмонига баракали ҳисса қўшиш йўлида олиб борётган ишлари ҳамда ҳаётимиз қомуси ҳақида сўзлаб бердилар.

Бахтиёр РИЗАЕВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

ТОШКЕНТ-1992

ҚОРАҚАЛПОҚ, ДИЛДОШИНГГА ҚУЧОҚ OЧ!

ЭРТАГА МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН ЯНА БИР АЖОЙИБ ШОДИЁНАНИНГ ШОҲИДИ БЎЛАДИ. ЖОНДОШ ҚОРАҚАЛПОҚ ДИЁРИДА ТОШКЕНТ ШАҲРИ МАДАНИЯТ КУНЛАРИ ОЧИЛАДИ.

Бугун қардошлик ришталарининг янада мустаҳкам боғланиши жуда муҳимдир. Зеро, бу каби қадриятлар кўп жойда танқис бўлиб турганиҳамманинг кўз ўнгида.

Энди режаларимиз хусусида икки калима сўз. Тошкент шаҳри маданият кунлари 17—21 ноябрь кезлари Қорақалпоғистон пойтахти Нукус шаҳри ва ўн бир туманида ўтказилади. Делегациямизда ижодий уюшмалар, жамоат ташкилотлари, саноат корхоналари, маҳалла қўмиталари вакиллари бор. Шуни айтиш керакки, маданият кунлари амалий аҳамиятга ҳам эга. Чунки бу кунларда пойтахтимизнинг турли соҳа вакиллари қорақалпоқ саноатчилари, фирмалари, ишбилармон доиралари билан учрашиб ўзаро шартномалар тузишни, ҳамкорликда ишлаш асосларини яратишни мўлжаллашаяпти. Маҳалла қўмиталари вакиллари қорақалпоқ элининг маҳалла ва даҳаларида тўпланган ўзига хос тажрибалар билан танишиш имкониятига эга бўладилар.

Ўзбекистоннинг етакчи санъаткорлари Ортиқ Отажонов, Ғуломжон Ёқубов, Олмахон Ҳайитова, Бобомурод Ҳамдамов, «Баҳор», «Ялла», «Зарафшон» ансамбллари, Ҳамза номидаги академик, Аброр Ҳидоятов номидаги драма театрлари ижодий жамоалари, Сатира театри, Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театри артистлари ушбу учрашувларнинг янада файзли ва мазмунли ўтишига камарбаста бўлишади.

Қорақалпоқ биродарларимизга эса қондошим, дилдошингга пешвоз чиқ, деймиз.

Атҳамбек ФОЗИЛБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ҳокими.

(Маданият кунларига бағишланган материалларни 5-саҳифада ўқийсиз).

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Республика Бош вазири А. Муталов Қашқадарёда бўлди. У шаҳар ва туман ҳокимлари, молия, савдо, банк, муассасалари ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг вакиллари ҳузурида сўзга чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «Сўм-кумонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарорини бажариш билан боғлиқ масалалар ҳақида гапирди, республикамиз иқтисодий ҳаётидаги бу муҳим тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш зарурлигига эътиборни қаратди.

(ЎзА).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ МЕҲНАТКАШЛАРИГА!

Муҳтарам Андижон вилояти аҳли!

Сизларни юксак маррага етганингиз — 352 минг тоннадан зиёд пахта топшириб, катта меҳнат ғалабасига эришганингиз билан чин қалбдан табриклайман.

Сиз эришган ғалабанинг баҳоси юксак. Бу йил деҳқонлар учун ғоят оғир келди. Андижон вилоятининг пахтакорлари ва барча меҳнаткашлари қийинчиликларни енгиб, ўзларининг ҳақиқий ватанпарвар ва фидойи инсон эканликларини амалда исботладилар.

Ваъдага вафо — марднинг иши. Андижон аҳлининг эришган меҳнат ғалабаси халқимиз яратган бу ажойиб ҳикмат тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади.

Азиз дўстларим!

Айни кунларда зўр шижоат билан меҳнат қилаётган андижонликлар барча соҳаларда ислоҳотни изчил амалга оширишларига ишончим комил.

Сизларга битмас-туганмас ғайрат, сиҳат-саломатлик, мустақил Ўзбекистонимизнинг ёруғ истиқболи йўлидаги барча ишларингизда катта муваффақиятлар тилайман. Хонадонингиз доимо тинч ва обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ

Бухорода вилоят фаолларининг Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида баравар тўлов воситаси сифатида «Сўм-купонлар»ни муомалага киритиш тўғрисида»ги қарорини бажариш масаласига бағишланган йиғилиши бўлди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, молия, савдо, банк муассасалари ходимлари, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш идоралари бошлиқлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари қатнашди. Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров мазкур қарорни бажариш борасида фаоллар олдида турган вазифалар хусусида гапирди.

Республика Бош вазирининг ўринбосари Қ. Ҳаққулов йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА).

БАНК БОШҚАРУВИ ЙИҒИЛИШИ

Шу йил 13 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки бошқарувининг кенгайтирилган йиғилиши бўлди. Йиғилишда миллий банкнинг вилоятлардаги шохобчалари раҳбарлари ва мутахассислари қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгаши сессиясида ва яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишларида сўзлаган нутқида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама қилинди, банкнинг тўққиз ой мобайнидаги фаолиятига якун ясалди ва 1993 йил охиригача қилинадиган ишлар белгилаб олинди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида Миллий валютанинг жорий этилиши муносабати билан банкнинг бўлимлари айниқса, аниқ ва уюшқоқлик билан ишлаши зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

(ЎзА).

АТОҚЛИ ОЛИМНИ ХОТИРЛАБ

Республикамиз жамоатчилиги атоқли олим, академик Обид Содиқов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонламоқда. 15 ноябрь куни Алишер Навоий номидаги санъат кошонасида ана шу санага бағишланган ҳотира кечаси бўлди. Уни республика Фанлар академиясининг Президенти М. Салоҳиддинов очди. Академия вице-президенти А. Ҳолмуродов олимнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида маъруза қилди.

Сўзга чиққанлар Обид Содиқовнинг республикамиз илм-фани тараққиётига, илмий кадрлар тайёрлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси, ажойиб инсоний фазилатлари ҳақида гапирдилар.

Хотира кечасида республика Бош вазирининг ўринбосарлари М. Қорабоев ва Б. Ҳамидов қатнашди.

Кеча санъат усталари ва ижрочи ёшлар концерти билан якунланди.

(ЎзА).

ТАЖРИБА ҚЎЛ КЕЛДИ

⊙ Мустақиллик шарофатини қаранглар, серқуёш Ўзбекистонни жаҳон таниляпти. Истиқлол туфайли жумҳуриятимизда қўшма корхоналар муттасил кўпайиб иқтисодий алоқалар кенг қулоч ёймоқда. Бунга мисол қилиб Навоий — Голландия ўртасидаги қатъий ҳамкорликни кўрсатиш мумкин.

Шу йил ўрталарида навоийликлар 90 гектар майдонга Голландиянинг «Агрика» фирмаси билан ҳамкорликда картошка экиган эди. Натижа ёмон бўлмади.

Хориж технологияси ва агротехникаси асосида бунёд этилган ҳосил кўзланганидан зиёда бўлдики, яқинда Навоий кон металлургия комбинатига қарашли «Дўстлик» давлат хўжалигида дастлабки картошка ҳосилини йиғиб-териб олишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Уни ҳамкорлик ҳомийси металлургия комбинати директори Николай Кучерский очди. Вилоят ҳокими, Ўзбекистон Халқ депутати А. Айдарқулов тўпланганларни қизғин табриклаб картошкадан юқори ҳосил кўтарилганлигини таъкидлади.

Шунингдек, нотиқ вилоятда голландияликлар тажрибаси асосида картошка экиладиган майдонларни янада кенгайтиришга эътибор берилаётганлигини уқтирди.

Дарҳақиқат, голландияликлар тажрибаси жуда қўл келди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ҳар гектар майдондан ўртача 300 центнердан ҳосил олинаяпти. Бундай рекорд кўрсаткич ҳали вилоятда кузатилмаган эди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

УРГУТЛИКЛАР УСЛУБИДА

● Жиззах шаҳрининг темир йўл бекати мавзесидаги Кўкбозор атрофи ургутликлар услубида қайта қурилаётир.

Бозор ичида ва теварагидаги алмисоқдан қолган пештахталар, ҳар хил ашёлардан қурилган дўконлар бузиб ташланди. 60 та дўкон жойлашадиган чиройли лойиҳа тайёрланди. Ҳозир мана шу лойиҳа асосида қурилиш қизғин бораётир. Бозорнинг ички тарафидаги дўконларда сабзавот, мева, гўшт сингари озиқ-овқат маҳсулотлари сотилади. Бу бинолар нинг ҳаммаси оқ ғиштдан пардозланиб, нақшли қилиб қурилаяпти. Ҳар дўкон ўрни одамларга 100 минг сўмдан сотилиб, пули шаҳар ҳокимлигининг махсус ҳисобига ўтказилади ва у ободончилик ҳамда янги қурилишларга сарфланади.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Хусусийлаштириш қандай бормоқда?*

ҚУРУВЧИЛАР АКЦИЯ СЎРАШЯПТИ

«Ўзбекнефтегаз» миллий компаниясининг давлат акционерлик бирлашмаси Бухорода ўтказган ишбилармонлик ўйини хусусийлаштириш масалаларига бағишланди. Унда Бухоро газ саноати қурилиши, Бухоро нефть заводи қурилиши, Қашқадарё нефть-газ саноати қурилиши трестлари бошқарувчилари ва уларнинг ўринбосарлари, бош мутахассислари, қурилиш бўлинмалари бошлиқлари иштирок этишди.

Уйиннинг ташкилотчилари Ўзбекистон Фанлар академияси томонидан таклиф этилган хусусийлаштириш соҳасидаги бир гуруҳ етук мутахассислар бўлди. Иштирокчилар тўрт гуруҳга бўлиниб, ўзаро кураш олиб бордилар. Гуруҳлар шундай шарт билан тузилдики, уларнинг биронтасига бир трестнинг вакиллари бўлган раҳбарлар киришмади. Бу эса ҳар бир кишининг ўз билим ва қобилиятига таянишига мажбур қилди.

Ҳар бир гуруҳ вакиллари, компания корхоналари, шу жумладан, Ўзбекнефть ва газ давлат акционерлик бирлашмасини хусусийлаштириш юзасидан мустақил концепцияни ишлаб чиқиб, уни бошқа гуруҳлар олдида ҳимоя қилишди.

Ўзаро мунозара жараёнида бозор иқтисодиёти моҳиятини ким қандай даражада тушуниши, янгича шароитда раҳбарлик лавозимида ишлай билиш лаёқати очиқ намоён бўлди. Бухоро газ саноати қурилиши трестидан А. Марьяш, Ю. Краузе, Л. Темирхонова, Муборак нефть-газ монтаж трестидан И. Акбаров, С. Левченко, М. Ҳамбаров юқори баҳо олдилар.

Энг муҳими, қурувчи мутахассислар мунозара жараёнида давлат акционерлик бирлашмаси корхоналарини хусусийлаштиришнинг аниқ истиқболларини кўрсатишди. Ҳозиргача компанияда хусусийлаштириш тескари схема бўйича юқоридан пастга бормоқда эди. Энди эса аксинча бўлади.

Шуниси диққатга сазоворки, ўйин жараёнида бирлашма бошқарувини ҳам такомиллаштиришнинг оқилона йўли кўрсатилди. Жумладан, ўйин қатнашчилари бирлашманинг Тошкентдаги барча бошқармаларини қисқартириб, уларни ҳам трестлар билан бир қаторга қўйиш, бирлашмага бошқарувни эса трест бошқарувчиларидан тузилган правление зиммасига юклашни таклиф қилишди.

Агар бу таклиф амалга оширилса, бирлашма аппаратидаги жуда кўп ходимларни қисқартириш, бошқарув ҳаражатларини анча камайтириб, қурилиш-монтаж ишлари унумдорлигини кескин ошириш мумкин бўлади.

Компания бу таклифларни амалга оширадими ёки йўқми? Буниси раҳбариятга боғлиқ. Ҳар ҳолда ўйин ўйинлигича қолмаслиги керак.

Нусратилло НАИМОВ.

ОБУНА—94

Ф СП—1

Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» (нашр номи) 64583 (нашр кўрсаткичи)

рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаба; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

РЎЗНОМАНИ ЕТКАЗИШ ВАРАҚЧАСИ

64583

п.в. жойи (нашр кўрсаткичи)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

(нашр номи)

обуна янги манзилга юбориш — обуна баҳоси сўм баҳоси сўм — обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (манзил)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

• *ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи*

ОДАМЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ ТОПИБ

Партиямизнинг обрўси ва нуфузини биргина сон ёки салмоқ белгиламайди. ХДПнинг обрўси бу — партиядошларимизнинг шу партияга нисбатан ишончи, эътиқоди, одамлар орасида тутган ўрни, демакдир.

Қачонки, партиядошлар ХДПга аъзоликни виждон амри, шахсий масъулият, ташаббус ва ташкилотчилик, деб тушунишсагина, сафларимиз кенгайиб, сифат жиҳатидан юксалаверади. Бироқ, бу айтишгагина осон. Кўп ҳолларда айрим партия аъзолари ўзларини четга олишга, халқ оқимидан орқароққа юришга ҳаракат қилишади.

Бу нотўғри. Биз қанчалик одамларга яқинлашсак, улар орасида юрсак, дарду аламлари, бозор муносабатлари давридаги ташвиш ва қийинчиликлари билан яқиндан танишсак, ўрни келганда улардан ёрдамимизни аямасак, ана ўшанда асосий кўпчилик бизга эргашади. Буни мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтяпман. Ҳозир тасарруфимиздаги 77 та бошланғич партия ташкилотида 2800 нафарга яқин ХДП аъзолари бор. Аъзоларимизнинг асосини ташаббускор, талабчан ёшлар ташкил этади.

Хўш, бунга қандай эришилди? Кўп партиялилик даврида нега энди кўпчилик фақат ХДПга аъзо бўлиб киряпти? Тўғри сўз, амалий иш билан эл назарига тушдик. Кенгашимиз қатъий иш дастури асосида фаолият кўрсатиб келяпти. Бунинг устига туман ҳокимлиги ва туман ёшлар иттифоқи билан қалин ҳамкорликка эгамиз. Шу жорий йилнинг ўзида биз ҳокимлик билан келишилган ҳолда «Туман меҳр-мурувват ва рағбат» ихтиёрий жамғармасини туздик. Бундан мақсад ногиронлар, қаровсиз қариялар, касалмандлар ҳолидан хабар олиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш эди. Қисқа вақт мобайнида бу жамғармага ярим миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди ва у юқорида қайд этганимиздек, кам таъминланган оилаларга одилона тақсимланди.

Бундан ташқари, биз айрим корхона ва муассаса раҳбарлари билан келишилган ҳолда қарийб 200 минг сўмлик маблағ топиб, махсус мактаб-интернатда қаровчиси бўлмаганларнинг суннат тўйини ўтказдик. Шунингдек, серфарзанд оиналарга 90 минг сўмликдан зиёд кийим-кечакни бепул тарқатдик. Наврўз байрами, мустақилликнинг икки йиллик тантаналари арафасида ҳам одамлар орасида бўлишни унутмадик. Кенгашимиз ташаббуси билан жойларда кўча ва маҳаллалар байрамлари, халқ сайллари, турли хилдаги кўрик танловлар ўтказдик. Энг қувончлиси, туманда «Ўзбекистон овози» газетасининг 75 йиллик юбилейига бағишлаб волейбол бўйича вилоятлараро очиқ биринчилик ўтказилганидир. Ҳозир ҳам партиядошлар ҳақида, уларнинг меҳнат фаолиятлари хусусида туман радиоси ва «Қизил тонг» рўзномасида мунтазам чиқишлар қиляпмиз. Шунингдек, аксарият бошланғич партия ташкилотларимиз иш тажрибасини оммалаштиряпмиз. Масалан, яқинда «Оқ соч», «Зармитан», «Меҳнат-роҳат», ҳудудий партия ташкилотларининг у ёки бу кўринишдаги ташаббусларини кенг оммалаштирдик. Натижада ободончилик, қадриятларни тиклаш, тарихий обидаларни қайта таъмирлашдек қатор хайрли ишлар амалга оширилди.

Маълумки, кенгашлар нуфузи кўп жиҳатдан молиявий аҳвол билан боғлиқ. Бу ўринда ҳам биз кўпгина ишлар қиляпмиз. Иқтисодиётимизни ўнглаш мақсадида кенгаш ҳузурида пулли тикувчилик уч ойлик курсини ташкил этдик. Шунингдек, бу ерда тўқув цехи очдик. Бундан ташқари, ташаббус билан майдонга чиқиб, ўн гектар қўриқ ер очиб, пахта экдик. Ундан катта даромад кутиляпти. Ҳамкорликдаги қўшма корхона ва кичик цехларга ҳам эгамиз. Хуллас, фақат бадалларга ёки ижарага берилган бино ва машиналарга кўз тикиб турганимиз йўқ.

Одамлар орасида бўлиш, уларга таянш бизга фақат ҳурмат, эъзоз келтиряпти.

Н. ИСОҚОВ,
Ўзбекистон ХДП Қизилтепа туман кенгашининг биринчи котиби.

• *Андижон пахтакорлари маррага етди*

Чигит қадалгандан кейинги барча қийинчиликларни енгган пахтакорларимиз кузнинг ҳар бир кунида мардона меҳнат қилмоқдалар. Ёғингарчиликлар машина теримини авж олдиришга имкон бермади. Мана шундай шароитда ҳосилни қўл кучи билан йиғиб-териб олиш ва бунинг учун ялпи сафарбарлик зарурати туғилди. Минг раҳматки, йиғим-терим қизғин паллага кирган дамларда Андижоннинг ҳар бир ориятли фарзанди белига этак боғлаб далага чиқди.



БАҲО ПИРОВАРД НАТИЖАГА ҚАРАБ БЕРИЛАДИ

Қобил ОБИДОВ,
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ, ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ НОИБИ

Кейинги кунларда теримчилар сафи 230 минг кишига етди. Бу, ўтган йилга нисбатан 1,5 баробар кўп, демакдир.

Далаларда мўл ҳосил яратилди. Ҳар бир бригада, хўжаликда ҳосилнинг пишиб етилишига қараб йиғим-терим бошланди. Бунда Марҳамат ва Бўз туманларининг деҳқонлари тадбиркор эканликларини кўрсатдилар. Ҳар икки туманда режалар 110 фоиздан оширилди. Олтинкўл, Шаҳрихон, Булоқбоши, Кўрғонтепа, Жалолқудуқ, Пахтаобод туманлари миришкорлари ҳам йиғим-теримни уюшқоқлик билан ташкил этдилар.

Кўзланган марра эгалланди. Ҳар гектар ердан 27,5 центнердан ҳосил олинди. Давлат омборларига 352 минг тоннадан зиёд пахта етказиб берилди. Бугунги кунда пахтанинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Пахта туфайли олдимизда турган кўпгина муаммолар ўз ечимини топмоқда.

Қишлоқда иқтисодий ислоҳот кенгайиб бораётган экан, одамлар онгида, тафаккурида бажарилган ишгагина эмас, балки пировард натижага қараб фаолиятга баҳо бериш ҳисси ортиб бормоқда. Марҳамат туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг ижарачиси Набижон Мамарасулов 3 гектар ердан 50 центнерлик маррадан ўзиб кетди. Бундай ижарачилар ҳар бир хўжалик ва туманда борлиги уста пахтакорлар анъанаси боқий эканлигини кўрсатиб турибди.

Олтинкўл туманидаги «Андижон», Марҳамат туманидаги М. Тожибоев номли, Шаҳрихон туманидаги «Сардор», Бўз туманидаги «Озод», Асака туманидаги Бобур номли, Жалолқудуқ туманидаги Тошматов номли, Кўрғонтепадаги Норбўта номли, Избоскандаги «Гуркиров», Булоқбошидаги Б. Режапов номли, Хўжаобод туманидаги «Ўзбекистон», Балиқчидаги «Ўзбекистон», Комсомолобод туманидаги «Шаҳрихон» хўжаликларининг деҳқонлари ҳар қандай биркор бригадаларда ҳосилдорлик гектар бошига 40 центнердан ортиб кетди.

Йиғим-терим тақдирини ҳал этишда минг-минглаб опа-сингилларимиз ғайрат кўрсатдилар. Марҳамат туманидаги «Машъал» хўжалигининг теримчиси С. Давлатова 10 минг килограммдан зиёд пахта терди. Избоскан туманидаги «Гуркиров» хўжалигидан О. Мамажонова, Хўжаобод туманидаги Бобур номли жамоа хўжалигининг О. Умарбекова, Пахтаобод туманидаги Ёқубов номли хўжаликнинг О. Камолова, Шаҳрихон туманидаги «Ҳақиқат» хўжалигининг О. Йўлдошева сингари теримчилари эришган натижалар ҳам қувончли.

Машина терими имкониятлари маълум сабабларга кўра чекланган бўлса-да, Кўрғонтепа туманидаги «Савай» хўжалигидан Ф. Қосимов, Бўз туманидаги М. Жалолов номли хўжаликдан Н. Исоқов, Комсомолобод туманидаги Шаҳрихон хўжалигидан Х. Ўсаров каби механизаторлар бункерлардан 100—150 тоннадан «оқ олтин» тўкдилар.

Эришилган ғалабнинг яна бир жиҳати шундаки, тайёрланган ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга сотилди. Бу ҳам тармоқдан олинадиган даромаднинг сезиларли даражада кўпайишига таъсир кўрсатади. Режадаги ҳосилнинг 20 фоизи ва режадан ортган қисми хўжаликлар ихтиёрида қолади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳозиргача тайёрланган ҳосил эвазига миллиард сўм даромад олинди. Вилоят тасарруфида қоладиган пахта миқдори эса 70 минг тоннадан ортди. Ихтиёримизда қолаётган пахтадан олинадиган даромад миллиард сўм бўлиши кутилмоқда. Қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам ўсиш кўзга ташланмоқда. Пилла, дон, мева тайёрлаш режалари ошириб бажарилди.

Бозор муносабатларининг таянчи бўлган иқтисодий ислоҳот олдимизга янгидан-янги вазифаларни қўймоқда. Вилоятимиз шароитида деҳқончилик ва чорвачиликдаги ишлар қониқарли эмас. Ҳали ҳам ваъдабозлик, гапбозлик иллатлари бор. Бу ўз навбатида интилишларга соя ташлаб турибди. Аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига талаби ортаётган экан, эҳтиёжларни маҳаллий шароитда қондириш устивор йўналиш бўлиб қолаверади. Бир хил шароитда икки хил миқдорда маҳсулот етиштираётган хўжаликлар борлигидан кўз юмиб бўлмайди. Бугунги кунда эришаётган натижаларимизга камида 50—60 фоиз ўсиш қўша олганимиздагина гаплар, ғоялар рўёбга чиқади, деб ҳисоблаймиз.

Мамлакатимиз жаҳонга юз тутмоқда. Жаҳон илғор технологияларини жорий этиш муҳимдир. Голландия технологияси асосида картошка етиштириш бўйича бошланган тажрибалар ўзини оқлаяпти.

Қайта ишлаш саноатининг хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондириш, энг муҳими — замин саховатини ошириш мақсадида Исроил технологияси асосида помидор етиштириш юзасидан битимлар тузилди.

Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотни янада чуқурлаштириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Юртбошимиз сессиядаги нутқларида, рисолаларида таъкидлаётганидек, қишлоқ миллий бойлик манбаидир. Дарҳақиқат, аҳолининг катта қисми қишлоқларда яшайди. Саноат қишлоққа юз бургандагина фаровонлик йўллари равонлашади. Қадимдан маълумки, хом ашё сотган юртнинг косаси оқармайди. Бу масалада Президентимиз томонидан қўйилаётган вазифа айни ҳақиқат ва келажак сари қадам ана шу асосга қурилмоғи лозим. Бунинг учун бизда ҳар бир қишлоқ ва туман ўзининг истиқбол дастурига эга бўлиши шарт қилиб қўйиляпти.

АГАР МАДАД БЕРИШСА...

Мирзачўл бағрида йигирма йил тракторчи, ўттиз йил бригадир бўлиб ишладим. Кейин мени ҳурмат билан фахрийликка узатишди. Кейинроқ ўйлаб қарасам бир умр меҳнатга суянган одам бекор юра олмас экан. Шундай қилиб, фермерликни бошлаб юбордим.

Фарзандлар билан маслаҳатлашиб, давлатдан қирқ минг сўм қарз олиб, унга қирқ бош қорамол сотиб олдик. Уч оиладаги мол-ҳолларни қўшиб, фермер хўжалигимиз чорвасини 49 бошга етказдик.

Иш бошлаган дастлабки йилимиз давлатга йигирма етти тонна сут сотишга эришгандик. Бу йил эса ҳозирга қадар давлатга сотилган сут 77 тоннадан ошди. Шу билан бирга, давлатга 2,5 тонна гўшт. ҳам топширдик. Йил охирига қадар жами сотилган сутни юз тоннага, гўштни эса етти-сакқиз тоннага етказиш ниятидамиз. Иқтисодий тангликка қарамай, фермер хўжалигининг бу йилги олган соф даромади 2,5 миллион сўмдан ортиши керак.

Фермер хўжалигимизда ҳозир саксон бош қорамол бор. Унга беш киши: ўғилларим — Мамаражаб, Мамаҳаммадиев, И. Абдуллаев сингари ўртоқлар бош бўлган фермер хўжаликлари анча оёққа туриб, ўзларининг ибратли ишлари билан тилга тушиб қолдилар. Уларнинг ҳар бири 45—50 бошдан қорамолни парвариш қилмоқда.

ХДП вилоят кенгаши, туман кенгаши фермерлик хўжаликларига ҳомийлик қилмоқдалар. Бу нарса бизларни қувонтиради. Чунки хайрли ишнинг ҳомийларидан кўра одатда йўлини тўсиб, халақит берадиганлари кўпроқ бўлади. Ана шундай дамларда биз партия ташкилотларининг ёрдамига таянамиз.

Туманимизда 148 та фермер хўжалиги рўйхатга олинган бўлса, шулардан 27 тасига ХДП аъзолари раҳбарлик қилмоқда. Келажакда сафимиз янада кенгаяди ва мустаҳкамланади, деган умиддамиз. Фермер хўжаликларининг озми-кўпми ютуқлари бўлганидек, уларни жиддий ўйлантираётган муаммолари ҳам бор. Жумладан, биз учун кичик техникага эга бўлиш ҳаётий масала бўлиб турибди. Марказий Кенгаш, унинг жойлардаги ташкилотлари ва фаоллари мададидан умидворміз. Биз эса бунга жавобан янада маҳсулдорликни ошириш йўлларини қидирган бўлар эдик.

Бегмат ЖОИНОҚОВ,
Сирдарё вилоятининг Оқолтин туманидаги фермер хўжалиги бошлиғи.

ШАҲАРЛИК ФЕРМЕР

У 35 МИНГ СЎМНИ БИР ИИЛДА 35 МИЛЛИОНГА АЙЛАНТИРДИ

● **Ақлли одам камбағал бўлмайди.**

● **Аммо бадавлат бўлиш ҳам осон эмас.**

«09» дан бежирим кийинган йигит тушди. Таништдик. Равшанбек Ёқубов, 35 ёшда. «Улуғбек» агрофирмаси директори.

— Колхозимизнинг шаҳарга туташ ерларида қаровсиз боғ бўларди. Бир-икки кишига бердик. Эплолмади. Кўп қаватли уйлар яқинмасми, боғ ва ундаги ташландиқ омборхона бемаъни болалар масканига айланганди. Бригадирларни йиғиб шу ерда фермер хўжалиги ташкил этасизларми, дедим. Ҳеч кимдан садо чиқмади. Кейин Равшанбек келди... — деб эслайди Фарғона вилояти Учқўприк тумани М. Деҳқонов номли жамоа хўжалиги раиси Баҳромжон Эргашев. — Мана энди...

Ҳеч қанча вақт ўтгани йўқ. Атиги бир йил. Ўшанда Равшанбекнинг 35 минг сўм жамғармаси бор эди. Тижорат, савдо-сотиқ билан шуғулланиб йиққани.

— Савдо-сотиқ яхши. Тез ва осон пул топасан. Аммо, эртага-чи? Ишлаб чиқариш билан шуғулланмай узоққа бориб бўлмайди. Маслаҳатлашиб қўшни Боғдод туманидан ҳар бири 20 минг сўмдан 20 бош мол сотиб олдик. 9 ойда улар 12 тага кўпайди. Кейин қўй-қўзилар харид қилдик, — дейди Равшанбек.

— Нечта ишчингиз бор?

6 нафар. Кўпи ҳам керакмас. Ҳар бир тийинни ҳисоблашга ўргатаркан бу иш.

Бугун боғни танимайсиз. Атрофи ўралган. Дарахтлар бутаб, парваришланган. 8 гектар ердан унумли фойдаланишяпти. Ем-хашак ҳам шу ердан чиқади. Бу йил ҳатто консерва заводига ўрик, олма, беҳи, шафтоли топширилди. Буғдой экилди. Хурмо кўчатлари ўтказилди. Ҳар куни болалар боғчаларига 100 литрдан сут етказиб беришади. Яқинда гўшт ҳам топшира бошланади. Балиқ боқиляпти. 10 га яқин қутида эса асалари.

Машҳур ёзувчи Дейл Карнеги айтган экан: «Бор имкониятдан яхши фойдаланиш аҳмоқнинг ҳам қўлидан келади. Имкониятни излаб топиш, қийинчиликни енга билиш учун эса ақл керак».

Иш юришиб кетди. Қишки молхона қуриб битказилди. Яқинда эса янги «РАФ» автомашинасини ҳам сотиб олишди.

— Худо хоҳласа, трактор ҳам оламиз, — дейди чўпон Қодиржон ака Абдиёров.

Мўлжалдаги ишларни Равшанбек санай кетди. Сут маҳсулотларини қайта ишлаб сариёғ, пишлоқ, сузма ишлаб чиқарадиган цех очаман, дейди. Мева-чевани ҳам бегона қилмай, шу ерда консерва қилдириш ниятидамиз. Бу шаҳарлик йигитчанинг хомхаёлимикан десанг, ишини дўндирган. Маҳсулотни қайта ишловчи дастгоҳларни топиб келиб, ўрнатиб қўйибди. Бино ҳам тайёр. Жамоа хўжалиги омборини берди. Уни цехларга бўлиб, ишлашга шароит яратган.

— Йигитларнинг шашти баланд. Яна икки-уч ойдан сўнг цехлар ҳам ишлай бошлайди, — дейди раис.

Ҳеч кимнинг пешонасига фалончи бўласан, деб ёзиб қўйилмаган. Иштиёқ ва ҳаракати бўлса бўлди. Равшанбек ҳам ғирт шаҳарлик. Қўқонининг киндигидан. Москвадаги нефть химияси институтини тугатган. Бирорта тижорат дўкони очиб қўйиб «аканг тадбиркор» деб юраверса ҳам куни ўтарди. У осон йўлдан бормади. Имконият қидирди. Ишлаб чиқаришда ўзини синади. Ҳозир фирманинг бир неча миллион сўм пули бор.



Равшанбек боғ ўртасида туриб режаларини айтяпти. Мана бу ер йўлка бўлади, икки чети атиргул. Электр чироқлар ёритиб туради. Мана бу ера чорвадорлар ва боғбонлар, цех ишчилари учун дам олиш хоналари қурилади. Голландиянинг фермер хўжаликларига ўхшатмоқчи-да!

Гап кийим-бошда эмас экан. Фермер дегани албатта, фуфайка кийиб, лой, чангга ботган бўлиши шартми? У эса бежирим кийинган. Молхона олдида эса тозалаб артилган «09» маркали «Жигули»...

Шавкат ИСРОИЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

И. МАМАРАҲИМОВ олган сурат.

САФАРБАРЛИК

Бу йил Зарафшон воҳасида, хусусан Самарқанд вилоятида пахта кеч етилди. Бироқ деҳқонлар ҳар қандай шароитда ҳам ҳосилни йиғиштириб олишга қарор қилдилар.

— Бу ҳосилни етиштиргунча озмунча заҳмат чекилдими, — дейди вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов. — Агар режани уддаласак, биргина режадан ортиқча ҳосил учун 40 миллиард сўм фойда оламиз.

Фаоллар шу ҳақда вилоят аҳолисига мурожаат билан чиқдилар. Пахта йиғим-теримида иштирок этаётганларни рағбатлантириш учун 35 миллион сўм пул ажратилди. Бутун жамоатчилик ўзини йиғим-теримга сафарбар этди. Биргина Самарқанд шаҳрининг ўзидан ҳар куни 8 минг ҳашарчи пахтакорларга ёрдамга чиқмоқда. Бундан ташқари, олий ва ўрта махсус ўқув юрти талабалари ҳам пахта йиғим-теримида фаол иштирок этмоқдалар.

Сафарбарлик ўз самарасини берди. Куни-кеча Ғузалкент тумани деҳқонлари пахта сотиш йиллик режасини вилоятда биринчи бўлиб бажардилар. Гектар ҳосилдорлиги 22,2 центнерга етди. Қабул пунктларига 30 минг тоннага яқин ҳосил топширилди. «Дўстлик», «Навбаҳор», «Мевали», Шароф Рашидов номли, Алишер Навоий номли, Мирзо Улуғбек номли хўжаликларда ҳосилдорлик бундан ҳам юқори бўлди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.

ОБУНА—94

МУТОЛАА ПАРТАВ ЭРУР

Янгича иқтисодий муносабатлар шаклланаётган ҳозирги шароитда, шубҳасиз, одамлар ўз турмушлари устида кўпроқ қайғурмоқдалар. Лекин ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам маънавиятни унутиш мумкин эмас. Шу нуқтан назардан қарайдиган бўлсак, обуна мавсуми катта сиёсий тадбир ҳисобланади. Биз Самарқанд вилоят ҳокимияти матбуот котиби Ҳажиқул Худойқулов билан ана шу ҳақда суҳбатлашдик.

— Ҳақиқатан ҳам обуна фақат ташкилий тадбир эмас, балки сиёсий масала. Очиғи, ҳали бизда вақтли матбуот нашрларини дўконлар орқали ўз вақтида сотиш намунали йўлга қўйилмаган. Шунинг учун обуна уни ўқувчиларга етказишнинг қулай усули ҳисобланади.

— Лекин йилдан йилга бу иш қийинлашиб бораяпти. Сабаби нимада экан?

— Биласизми, бу ерда матбуотчиларни айблаб бўлмайди. Обуначиларни ҳам. Бошқарув тизимидаги ўзгариш таъсири бу. Илгари обком, райком котиби обуна учун жавоб берарди. Бошланғич партия ташкилоти котиби бир ой мобайнида бошқа ташвишлардан халос этилиб, фақат обунани расмийлаштириш билан шуғулланарди. Энди-чи? Айрим ташкилотларда ҳатто обуна карточкаларини тўлғазишга одам топишолмайди. Матбуот уюшмаси ва почта ходимлари эса одам камлигидан меҳнат жамоаларига бориб обуна ўтказишмайди.

— Демак, бу тадбир тўлалигича ҳокимликлар гарданида?

— Тўғри айтдингиз, бу ишни бизда ҳокимнинг ўринбосари Акрам Худойқулов бошқаради. Ҳар ўн кунда обуна боришини кўриб чиқамиз. «Разбор»га туман, шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, матбуот уюшмаси ҳамда йирик корхона, ўқув юрти раҳбарлари, матбуот вакиллари, таклиф этиладилар. Ўтган йил бу тажриба қўл келди. Жорий йилда ҳам обуначилар сафини камайтирмаслик чорасини кўраяпмиз.

— Ҳожиқул ака, барибир, гарчи кўнгил истасада, обуна бўлишга ҳар кимнинг чўнтаги ҳам дош беравермайди. Масалан, битта республика рўзномаси обунаси пулига ўн килограмм гўшт беради. Бундай шароитда вилоятда қандай йўл тутиляпти?

— Турмушнинг ўзи кундалик матбуот нашрларини мунтазам ўқишни тақозо этаётир. Мавлоно Рўдакий «Одамдан юқори тураркан олам, билим оширмоққа муҳтождир одам» деган экан. Айрим маҳаллаларда жамоа ҳолда обуна бўлинаётир. Аниқроғи, 2—3 та оила битта газетани алмашиб ўқийди. Бундан ташқари йирик корхоналар ҳар бир маҳалладан 10—15 оилани обуна қилаяпти. Бундай завод ва фабрикалар ўз ишчиларига ҳам ана шундай мурувват кўрсатаяптилар. Масалан, лифтсозлик, пойабзал, «Гелион» ҳамда чинни заводлари шундай иш тутдилар. Хўжаликлар ҳам қараб туришгани йўқ.

— Вилоятда «Ўзбекистон овози» газетасига обуна қандай бораётганлигини билса бўладими?

— Албатта. Ўтган йили биздаги мухлисларингиз ўн минг нафар бўлган. Назаримда бу йил ҳам шундан кам бўлмайди. Биз «Ўзбекистон овози»га обунани ХДП вилоят ва туман Кенгашлари билан ҳамкорликда олиб бораяпмиз. Шахсан ўзим, вилоят ҳокими ва у кишининг ўринбосарлари биринчилардан бўлиб шу рўзномага обуна бўлдик.

Суҳбатдош
Фармон ТОШЕВ
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СИМ ОРҚАЛИ КЕНГАШ

ҚАРШИ («Ўзбекистон овози» мухбиридан). «Газета ва журналлар кириб бормаган хонадон қолмасин. Чунки кундалик нашрлар маънавиятимизни бойитиш манбаи. Сиёсат ана шу нашрлар орқали халққа етиб боради. Албатта, бу — обуна мавсумининг қай тарзда ўтишига боғлиқ». Қашқадарё вилояти ҳокимлиги шаҳар ва туман ҳокимликлари, партия кенгаши котиблари, почта-алоқа боғлами ходимлари билан ўтказган сим орқали кенгашда ана шулар ҳақида фикр юритилди.

Сим орқали кенгашни вилоят ҳокими ўринбосари Раим Раҳмонов олиб борди. Унда 1994 йил учун обуна мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этаётган Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Китоб, Чироқчи, Ғузор, Қамаши туманларида «Ўзбекистон овози» ва бошқа газета-журналларга ёзилиш кўрсаткичлари алоҳида тилга олинди.

Шуниси диққатга сазоворки, кўпгина корхоналар ўз ҳисобларидан илғор ишчилар, меҳнат фахрийларини рағбатлантириш тарзида бепул обуна қилишни йўлга қўйганлар. Шаҳрисабз консерва заводи 6 миллион сўмга, Ғузор туманидаги Улуғбек номли давлат хўжалиги 2 миллион сўмга. «Ўзбекистон овози», «Халқ сўзи», «Қашқадарё ҳақиқати» ва туман газеталарига ташкилот ҳисобидан обуна қилишди.

Сим орқали кенгашда айрим туман ва хўжаликларда обуна суст бораётганлиги ҳам таъкидланди. Хусусан, Баҳористон, Деҳқонобод, Муборак, Касби, Яккабоғ туманларида «Ўзбекистон овози» республика газетаси ва бошқа нашрлар обунаси ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги танқид қилиб ўтилди. Кенгашда ахборот берган туман ва шаҳар ҳокимлари ўринбосарлари аҳволни зудлик билан ўнглаш ҳақида ваъда бердилар.

Кенгашда вилоят почта, алоқа боғлами бошлиғи Б. Тўлаев жойлардаги 281 та алоқа боғлами обуна билан шуғулланаётганлигини таъкидлаб, жумладан 470 дан ортиқ почтачи аҳоли ўртасида обуна қабул қилаётганлигини айтди. Обунани э. яхши ташкил этган 100 га яқин алоқачи вилоят боғлами томонидан рағбатлантириш тарзида 50 фоиз миқдорли имтиёз билан газета ва журналларга обуна қилинадилар.

Мусо КАРОМОВ.

• *Партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари—*

муштарийлар муҳокамасида

МУҚАДДАС ДАСТУР

«Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари» (лойиҳа) умумпартия муҳокамасига қўйилиши айни муддао бўлди. Мафкура сўзининг келиб чиқиши аслида арабча бўлиб, бир нарсани фикрлаш маъносини англатади. Ҳозирги замонда аҳамиятга кўра, мафкура маълум бир халқ, маълум бир юрт ва жамиятнинг аниқ мақсадга йўналтирилган, у ниталиб, талпиниб яшайдиган ғояси, фикрларидир. Ўзбек учун миллий мафкура унинг халқини асрий орзусини амалга оширадиган муқаддас дастур, дейиш мумкин. Миллий мафкуранинг яратилиши эса тарихий зарурият дир. Шунинг учун ҳам уни халқимиз жон-дилидан қабул қилишига шак-шубҳа йўқ. Мафкуранинг яратилиши учун барча шарт-шароитлар етилди.

Менинг фикримча: миллий мафкурамиз назарий, амалий, сиёсий ва маърифий негизларга (ёки тамойилларга) эга бўлиши керак. Унинг негизлари миллий руҳ, ўзбек халқининг ўзига ҳос хусусиятлари ҳамда шарқоналик кабилардан келиб чиқсагина миллий мафкура яшаб қолади. Зеро, Ўзбекистон учун ҳеч қандай чет мафкура, ғоя-ан-музозанинг кераги йўқ.

Бунга ёрқин мисол сифатида кейинги 74 йил ичида сингдиришга ҳаракат қилинган коммунистик эътиқодни кўрсатиш кифоя. Бу йиллар давомида авлодлар алмашди. Янги дунёқарашли авлодни шакллантиришга ҳаракат қилинди. Лекин ўша мафкура бизнинг миллийлигимиз ва ўзлигимиздан келиб чиқмаганлиги учун ғоялигича қолаверди. Гўё танамизга ёт жисм тушиб қолгандек сингдира олмадик. Шунинг учун ҳам, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон ўз тараққиёт, истиқлол йўлига эга бўлиши керак. Унинг мафкураси ҳам Ўзбекистоннинг эҳтиёжлари ва халқнинг руҳиятидан келиб чиқиши керак.

Назарий негизлар сифатида, менимча, қуйидаги тамойилларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўзбекистон ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий жиҳатдан мустақилдир.

2. Ўзбекистонда барча умуминсоний, миллий қадриятлар эъзозланади, улар республиканинг миллийлик тамойилларининг шаклланишида асосий манба вазифасини ўтайди.

3. Мустақиллик ғояси ва диний (хусусан исломий) қадриятлар Ўзбекистонда бир-бирига зид эмас, балки улар биргаликда халқ маънавиятини бошқаради.

4. Ўзбекистонда давлатчилик ва бошқарув тизими уч сифатга эга бўлади: инсоф, одиллик ва кучли идора этиш.

5. Мустақиллик мафкураси халқ маънавиятини юксалтиришни, иймон ва эътиқодли, маданиятли авлодни шакллантиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Ушбу негизлар ўзаро боғлиқлик ва бир бутунликдадир.

Биринчи негиз мустақилликни эътироф этади. Чунки мустақиллик миллий мафкурамизнинг ҳаракатлантирувчи механизми, юраги. Истиқлол халқимизнинг азалий орзуси эди. Шунинг учун ҳам у миллий мафкуранинг ўзаги, яъни танаси бўлиши керак. Мустақиллик мафкураси бирор ягона фирқа, сиёсий гуруҳ ёки оқимнинг монополияси эмас.

Иккинчи негиз Ўзбекистон миллий мафкурасининг маънавий-ахлоқий асосларининг умумлашган кўринишидир. Умуминсоний қадриятларни ҳисобга олмаслик миллий мафкурамизнинг илдизларини озуқасиз қолдиришдек гап. Халқимиз феъли-атвори, анъаналари, удумлари, ўзбеконалик каби қадриятлар мустақиллик туфайлигина ривожланиши ва янгиланиши мумкин. Қолаверса, диний удумларимиз миллий удумлар билан асрлар давомида уйғунлашиб кетган. Улар одамлар орасига инсоф-диёнат, ҳалоллик ва поклик уруғларини сочади. Маънавиятимизни эса умуминсоний қадриятларсиз тарбиялашни кўзда тутади. Маънавиятни юксалтирмай, имон ва эътиқод нуридан баҳраманд қилмай маданиятли ва гўзал аҳлоқли ёшларни тарбиялаб бўлмайди. Бой маънавиятни шакллантириш зарурлигини Президентимизнинг ўзи бир неча бор таъкидлагани бежиз эмас, Ўзбекистон ор-номусли, маданиятли, ўзлигини, ўз қадрини билган фуқаролар мамлакати бўлмоғи зарур. Тарбия тизимини яратиш мустақиллик ғоясининг ўқ томири. Уни шундай ҳосил қилайликки, у қалбларимизга ва руҳимизга озиқ бериб турсин. Барча илғор илмлар ривожини таъминласин. Жамиятимиздаги қар қандай қусурларнинг пайини қирқсин.

Юқорида айтилган негизлардан яна бир нарса, у ҳам бўлса юртимизнинг ҳар бир фуқароси мустақилликнинг аҳамиятини чуқур англаб етиши, уни эъзозлаши ва ривожига ҳисса қўшиши зарурдир. Айниқса, ёшларимизнинг она тарихимиз, тилимиз, миллий урф-одатларимизни, удумларини оширишлари, адибларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад каби тил усталарининг асарларини албатта қунт билан ўқишлари лозим.

Миллий мафкуранинг амалий негизлари назарий негизларнинг мантиқий ижроси билан ўзаро боғлиқдир. Миллий истиқлолимизни, албатта, халқ яратади. Лекин давлатнинг одилона сиёсати, юртбошининг зукколик билан иш юритиши мустақиллик ғоясини тўла амалга ошириш жараёнини тезлаштириши мумкин.

Мафкурамиз бозор иқтисодиёти шароитида мулк хилма-хиллигига йўл очилишини ва бу ишда давлатнинг ҳайрихоҳлигини кўзда тутади. Амалий негизлардан бири қонуннинг устиворлигига эришишдир. Бу эса ҳуқуқий давлат қуриш деган гап. Қонун олдида барча баробар, деган шиор тўғри. Лекин, бизнингча, қонунни муҳофаза этувчи орган ходимлари, касби қонунчилик бўлганлар ва давлатнинг масъул шахслари учун қонуннинг қаҳрини камида икки баробар орттириш маъқулга ўхшайди. Ана шунда давлат ва халқ орасида ўзаро ишонч кучаяди. Ана шунда давлат ва унинг сиёсати учун керак бўлса жонини ҳам аямайдиган ватанпарварлар кўпаяди. Амалий негизлардан яна бири яратувчиликни, ишлаб чиқарувчиларни қадрлашга қаратилган. Бозор ишлаб чиқаришга ички туртки ёки омил бўлиши керак. Чунки ишлаб чиқаргандан кўра олиб-сотган фойдалироқ қабилида иш тутиб, кичик ва хусусий корхоналар маҳсулот ишлаб чиқаришни амалда деярли тўхтатиб қўйдилар.

Сиёсий негизлар. Сиёсий соҳада мафкурамиз учун қуйидагилар асосий ҳисобланса:

1. Ўзбекистон жаҳоннинг барча мамлакатлари каби мустақил. У ўз ҳудуди, халқи, бойликлари ва табиий ресурсларига эга.

2. Ўзбекистон ўз йўлига эга. Унга нисбатан бирор мамлакат, давлат зўравонлик ёки тазйиқ ўтказа олмайди.

3. Барча халқаро миқёсдаги мунозарали масалаларга у ўз муносабатини билдира олади. Мунозаралар вақтида ўз фикри ва овозига эга.

4. Ўзбекистон ички сиёсат соҳасида халқ ва давлат манфаатларини ўзаро уйғунлаштириш, ички бозорнинг мўл-кўллигини таъминлаш, ижтимоий муаммоларни одилона ҳал этиш йўналишларида саъй-ҳаракат кўрсатади.

5. Мафкуранинг бош сиёсий вазифаси ҳозирги ва келажак авлодларимиз манфаатларига хизмат қилишлик. Фикримча, миллий истиқлол мафкураси сиёсат олиб боришда юқоридагиларга амал қилишни тақозо этади. Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ ва меъёрларга риоя қилади. Турли сиёсий тараф-кашлик ёки сиёсий блокларга аъзо бўлишлик Ўзбекистонга тўғри келмайди. У қўшилмаслик сиёсатини олиб боради. Лекин ўзаро қўшничилик, иқтисодий алоқалар, савдо, маориф, маданият, соғлиқни сақлаш каби соҳалардаги фаолиятини кенгайтираверади. Ўзбекистоннинг тараққиёт йўли унинг ўзигагина хосдир. У бирор рецепт ёки дастурни четдан келтирмайди. Бу тараққиёт йўли ўзбек халқининг руҳияти, миллийлиги, табиий шароитларидан келиб чиқади. Миллий мафкура ўша сифатларни ҳисобга олади. Ўзбек халқи баркамолликка даъвогар халқдир. Демак, унинг истиқлолга эришиши қонуний-дир. Истиқлол туфайли тарихий адолатсизлик барҳам топди. Мустақиллик мафкураси Ўзбекистон халқини баркамолликка ва юксак маънавиятга чорловчи оҳанрабо бўлиши керак.

Маърифий негизлар.

Мустақиллик мафкураси ҳар бир фуқарога, айниқса, ёш авлодга сингдирилиши керак. Маърифий негизлар бешинчи назарий негизнинг амалий ифодаси билан боғланган. Шунинг учун ҳам миллий мафкурамиз маърифий асосларга, тамойилларга эга бўлиши ўз-ўзидан равшандир.

а) Тарбия ва таълим тизимини янгитдан миллий мафкура талаблари асосида қайта кўриб чиқиш ёки унга мослаш; миллий мактаблар лойиҳаларини зудлик билан яратиш;

б) Ўзбекистон фуқароларига Ватан туйғусини, унинг муқаддаслигини сингдириш; «Ватан киндик қонинг тўкилган жойдан бошланиб, сенинг халқинг, юртинг, ҳудудинг, тилинг, табиатинг, қолаверса, она каби ягона тупроғингдур».

в) Тарбия соҳасидаги боболар меросини қайта тиклаш, Шарқ донишмандчилигини ўқув қўлланмаларига, дастурларига киритиш;

г) Фуқаролар орасида ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий онгни (замонавий иш юритишлик ва ишбилармонлик) шакллантириш, бу ишга барча тарбия воситаларини жалб этиш;

д) Имон ва эътиқод илми орқали ҳаё, инсоф ва диёнат нуридан ёшларни баҳраманд қилишлик.

Биз юқорида миллий мафкура ҳақида айрим шахсий фикрларимизни билдирдик. Улар табиийки, бахсли бўлиши мумкин.

Тўланбой ОРТИҚОВ,
Андижон давлат университети профессори, фалсафа фанлари доктори.

Юрт бошимиз таниқли адибларимиз билан учрашувда миллий истиқлол мафкурасини шакллантиришда, ёш авлодимизни, фуқароларимизни ватанга садоқатли, меҳнатсевар, эрксевар, жонкуяр қилиб тарбиялашда уларнинг ўрни алоҳида эътиборга лойиқлигини таъкидладилар. Ҳақиқатан ҳам, адибларимизнинг асарларида давр, ўтмиш садоси баралла янграйди, ўзбек тили жозибали ва гўзал ифодасини топган. Мустақиллик мафкурасининг асослари, илдизи тилимизни пухта ўзлаштириш ва уни халқ оммаси орасида кенг ёйиш билан ўзаро боғлиқдир.

Нафақат адибларимиз, балки барча зиёлиларимизнинг бурчи — давлат тилимизнинг софлиги ва гўзаллигини таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат. Очиғи, ҳали ҳаммамиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларимизни ўзбек адабий тилида равон ифодалай олмаймиз. Қизил империя даврида, мактаб билан олий таълим ўртасидаги узилиш кескин тус олган эди. Айниқса, шаҳардан узоқроқ ўрта мактабларда дарслар ўзбек тилида олиб борилгани учун фарзандларимиз адабий тилни нисбатан тўлароқ билган бўлсалар-да, бироқ олий ўқув юртига киргандан кейин, 2—3 йил ичида ўз тилларини эсдан чиқара бошлаганлар. Чунки олий ўқув юртларида 70 фоизгача дарслар рус тилида олиб бориларди. Натижада олий мактабларни битириш арафасида талабаларимиз адабий тилдан анча узоқлашиб қолардилар. Ўзбек тили давлат тили, деб эълон қилинганидан кейин аҳвол анча яхшиланяпти. Лекин ҳали ҳам олий мактабларимизда бу борада камчиликлар кўп. Чунки ўша даврда олий мактабни ва аспирантурани битирганлар айни пайтда дарс беришяпти ва олий мактаб ўқитувчилари, менимча, тил бойлиги устида ўз малакаларини оширишлари, адибларимиз Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Саид Аҳмад каби тил усталарининг асарларини албатта қунт билан ўқишлари лозим.

ҲАМ ҚАРЗ, ҲАМ ФАРЗ

Акс ҳолда сўз бойлигимизни тўлдириш қийин. Бунга диққатни жалб этаётганимизнинг сабаби шуки, ижтимоий фанлар ўқитувчилари билан дарс даврида суҳбатлар ўтказганимизда шу ҳол аниқландики, муаллимларимизнинг кўпчилиги ғарб адабиётларидан яхши хабардор ва рус адабий тилини мукаммал эгаллаган, бироқ ўз она тилида яратилган асарларнинг кўпчилигини ўқимаган. Табиийки, улар рус тилида тафаккур этиб, сўнгра уни фикрда таржима қилиш орқали мақсадларини талабаларга етказишга ҳаракат қиладилар. Бундан халос бўлиш керак. Чунки бу билан ёшларимизнинг фикр доирасини кенгайтира олмаймиз.

Кейинги пайтларда дори ва унинг фаолияти ҳақида жуда кўп маълумотлар бериши мумкин. Бизнинг бўлажак мутахассисларимиз олий мактабни битиргач, хориж тадбиркорлари билан ҳамкорлик қила оладиган, чет тилларда мукаммал мулоҳаза юрита оладиган дипломатлар, ишбилармонлар бўлиб етишишлари билан бирга, улар жаҳон тарихини, минтақамиз муаммоларини яхши биладиган, ўз фикрларини ўзбек тилида мукаммал ифода эта оладиган бўлиб етишадилар, деб умид қиламиз.

Ёш авлодни, умуман фуқароларимизни Ватан билан фахрланиш, миллий ифтихор, ватанга садоқат, рамзимиз, мадҳиямиз, байроғимизга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаб, уларнинг қадр-қимматини кўтаришимиз керак. Чунки, ҳали кўпчилик бу каби рамз-белгиларимизга етарли аҳамият бераётганича йўқ.

Ҳиндистонда бир анъана бор. Кинога кирсангиз, фильм бошланишидан олдин экранда Ҳиндистон байроғи пайдо бўлади ва «Она Ватаним — Ҳиндистон» — давлат мадҳияси ижро этилади. Ҳамма ўрнидан туриб, мадҳияни эшитади ва ўз Ватани билан мағрурланади.

Таклиф қилар эдикки, бизда ҳам шундай қилинса: сеанслар олдидан мадҳиямиз ижро этилса ва байроғимиз тасвири саҳнада рамзимиз билан намойиш қилинса. Бунинг жуда катта тарбиявий аҳамияти бор.

Мафкурамизнинг таркибий қисми бу — қадриятларимиз, халқимизнинг том маънодаги илмий-маданий меросидир. Ўз қадриятларимизни ҳар томонлама чуқур билмай туриб, ўлкамизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасини тўғри, ҳаққоний тасаввур қила олмаймиз.

Ҳақли равишда аждодларимиз Форобий, Ибн Сино, Беруний, Ал-Хоразмий, Улуғбек, Навоий, Бобур каби алломаларнинг илмий-фалсафий мероси билан фахрланамиз, уларни эъзозлаймиз ва чуқур ўрганамиз. Бу алломалар жаҳон фанига буюк ҳисса қўшганлар.

Шу билан бирга ҳали биз меросларини чуқур ўрганмаган алломаларимиз борки, уларнинг ижодларини ҳар томонлама мутолаа қилишимиз ва кенг ёйишимиз керак. Булар Исмоил ал-Бухорий, Ҳаким ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Абдухолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд ва кўп жилдлик ўзбек энциклопедиясида номлари келтирилган буюк олимлардир. Булардан ислом оламида энг машҳури, IX асрда яшаб ижод этган Исмоил ал-Бухорий ўзининг «Алсахих» асари билан ислом маданиятида буюк роль ўйнади. У биринчилар қатори «Ҳадис»ларни ёзиб, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг барча фикрларини ва у кишига тегишли барча маълумотларни исботи билан тўпладилар. Бул зотдан бўлан яна беш киши «Ҳадис» ёзган, бироқ Исмоил ал-Бухорийнинг асари энг обрўли ҳисобланади. Миллий истиқлол мафкурасини, ўз қадриятларимизни яхши англаган ҳолда авлодимиз умуминсоний қадриятларга ҳам ҳурмат кўзи билан қараши, уни ўрганиши ва билиши керак, деб ўйлаймиз.

Ўзимизнинг қадимий ва ҳозирги замон қадриятларимизни ҳар томонлама чуқур англаш билан бирга, хорижий мамлакатлар, хусусан бизнинг атрофимиздаги Хитой, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Туркия, араб мамлакатлари халқларининг анъаналарини, илмий-маданий меросини ҳам чуқур ўрганишимиз лозим. Зеро, яқин келажакда бу қаби ва бошқа чет эл мамлакатларида бизнинг кўплаб дипломатия ходимларимиз ва умуман зиёлиларимиз, фуқароларимизнинг ҳамкорлиги янада ривожланади. Биз шу мамлакатлар халқларининг қадриятларини қанчалик тўғри тасаввур қилсак, уларнинг халқимизга, диёримизга ҳурмати шунчалик ошади.

Жаҳон маданияти тарихида Хитой ва Ҳиндистон фалсафаси муайян ўрин эгаллаган. Шу билан бирга ғарб таълимотлари ҳам бор. Ана шу қарашларни ўрганиш талабаларимизнинг, муаллимларимизнинг фикр доирасини анча кенгайтирган ва ғарб олимлари билан ҳам мулоқотни фаоллаштирган бўлур эди.

Мустақиллик мафкураси шаклланаётган ҳозирги даврда биз, зиёлилар партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи-назарини маъқуллаган ҳолда ўзимизнинг айрим мулоҳазаларимизни баён этдик.

Мубинжон БАРАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси.



Рапқон пахта пункти жамоаси бу йил хўжаликлардан кўплаб пахта қабул қилиб олди. Айниқса, «Рапқон» ва «Ўзбекистон» жамоа хўжаликлари анчагина хом ашё келтиришди. «Рапқон» жамоа хўжалигида ҳосилдорлик режадаги 32 центнер ўрнига 33 центнердан бўлди.

Суратда 1. (чапдан) «Рапқон» жамоа хўжалигининг пахта қабул қилиш пункти ходими Умарали Раҳимов, ишборатчилар Машрабжон Аҳмедов, Қодирали Тўйчиев ва товаршунос Ҳамиджон Тўхтабоев билан. 2. Бу йил хирмон баракали бўлди.

Т. МАҲКАМОВ
олган суратлар.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА САЙЛОВ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАДА

АЛОҲИДА ҚОИДА КИРИТИЛСА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилгач, у шаҳримиз партия ташкилотлари томонидан қизғин муҳокама қилиниб, бир қатор таклиф ва мулоҳазалар билдирилмоқда.

Лойиҳа 22-моддасининг иккинчи банди билан Конституциянинг 117-моддаси биринчи банди ўртасида номувофиқлик бор. Асосий Қонунда ҳар бир фуқаронинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилган. Лойиҳанинг 22-моддасида эса фуқаро Олий Мажлис депутатлигига сайланиши учун сиёсий партия ёки вилоят Кенгашлари томонидан номзоди кўрсатилиши шарт экани айтилади. Бу билан депутатликка номзод давлат бошқаруви органи — ҳокимиятчилик олдида бурчдор бўлиб қоляпти. Бироқ, улар фақат ўзлари учун мақбул бўлган номзодларни кўрсатишади, бинобарин, бошқа кишиларнинг сайланиш ҳуқуқи чекланади.

Шу сабабли Олий Мажлисга сайланишни истаган ҳар бир фуқаро сайлов округида сайловчилар умумий сонининг ўндан бир қисми имзосини тўпласа, мустақил номзод сифатида рўйхатга олинишига йўл қўйиш ҳақида алоҳида қоида киритишни таклиф қиламиз.

Р. ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

АФҒОН ГЕНЕРАЛЛАРИ ҚОЧИБ ЎТИШДИ

ДУШАНБЕ. Ўтган ҳафтада юздан зиёд қуролланган афғон фуқароси тожик-афғон чегарасини бузиб ўтди.

Бу сафар гап мужоҳидларнинг навбатдаги ғиғогарлиги ҳақида эмас, балки афғонлар тожик ҳудудидан бошпана сўраганлиги ҳақида бормоқда. Ҳамма гап шундаки, кейинги кунларда Афғонистон Ислом Республикаси ҳудудида Тожикистон чегарасига яқин жойларда Афғонистондаги турли сиёсий кучларнинг қуролланган тўдалари ўртасида шиддатли жанглар бормоқда. Тожикистон Ташқи ишлар вазирлигининг яқин манбалардан олинган маълумотларига қараганда, таҳлил можароси Афғонистон Ислом партияси, Афғонистон Ислом жамияти жангарилари ўртасида бир тарафдан, мамлакат шимолини назорат қилиб турган генерал Абдурашид Дўстум қўшинлари билан иккинчи томондан жанглар бормоқда. Афғонистон учун стратегик аҳамият касб этадиган Панж чегара дарёсидаги Шерхон портида кейинги кунларгача Дўстум одамлари назорат қилиб турган жойда сўнгги жанглар бўлиб ўтди. Курашнинг натижалари ҳали номаълум, лекин Тожикистонга қочиб ўтганлар асосан дўстумчилар бўлиб, партия ва жамият мужоҳидларининг бу сафар қўли баланд келган.

Тожикистон раҳбари Имомали Раҳмоновнинг фармойишига кўра, афғон фуқаролари учун медицина ёрдами кўрсатилмоқда, уларга иссиқ овқатлар берилмоқда. Қочоқлар сафида дўстумчи уч генерал бор. Ҳозирча уларнинг ҳаммаси Россия чегара қўшинларининг бўлинмалари ихтиёрида турибди.

ЭНГ КАМ ИШ ҲАҚИ 200 МАНАТ

● **АШГАБАТ. Президент таклифи бўйича ҳукумат кўриб чиққан энг кам иш ҳақи 200 манат.**

1 манат 1 долларга тенг келадиган бўлса, ўртача бу иш ҳақи Россияда белгиланган маошдан 10 баравар кўп бўлиши ҳисобланмоқда. Ҳамма гап эндиликда манатнинг белгиланган қийматини қандай қилиб бўлмасин сақлаб қолиш устида бормоқда.

ДАСТЛАБКИ ДИЗЕЛ АВТОБУСЛАРИ

● **ШИМКЕНТ. Шимкент автомобиль заводида дастлабки автобуслар ишлаб чиқара бошланди.**

Қозоғистоннинг тўнғич автобусларига Кустанай дизель заводи немис фирмаси билан ҳамкорликда ишлаган янги двигателлар ўрнатилган. 1995—96 йилларда машиналарнинг 60 фойиз қисмларини тайёрлашни ўзлаштириш юзасидан ҳозирданоқ иш олиб борилмоқда. 2000-йилга бориб Қозоғистонда автобуслар ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларини камраб олувчи яхлит тажрибага эришиш мўлжалланмоқда.

ҚИРҒИЗ ҲИМОЯЧИЛАРИ

● **БИШКЕК. Майор Б. Қулмонбетов командирлик қилаётган қирғиз чегара ҳимоячилари 254 ҳарбий хизматчидан иборат.**

Улар Ишкаршим чегара отрядида жойлашган тожик—афғон чегарасида ҳарбий хизматни ўтамоқдалар. Қирғиз ҳимоячиларининг ёнида Россия чегарачилари бор. Бу ердаги вазият бир неча ҳафтадан буён жиддий бўлиб турибди.

ОЗИҚ-ОВҚАТ ТАНҚИС БЎЛАДИМИ?

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон пойтахтининг аҳолиси бошидан кечираётган ўткир ижтимоий масалалар қаторига озиқ-овқат муаммоси ҳам қўшилмоқда.**

Душанба шаҳар маъмуриятининг бошлиғи Жамолиддин Мансуров бу ерда шаҳар фаолларининг тезкор кенгайтирилган кенгашида шу ҳақда гапирди. Республика ҳукумати томонидан тезда зарур чора-тадбирлар кўрилмаса, пойтахт аҳолиси қиш фаслини қийин ўтказиши турган гап, деб уқтириб ўтди у. Унинг таъкидлашича, ҳозирнинг ўзидаёқ пойтахт аҳолиси озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланиши истеъмолнинг 50 фоизини ташкил этади ва вазият мушкуллашиб бориши мумкин. Кўпчилик дўконларнинг пештахталари бўшаб қолмоқда. Уларга мева ва сабзавот консервалари ва макароннинг бир-икки хилигина қўйилган. Гўшт маҳсулотлари, сариёғ ва ўсимлик ёғи, ун, шакар ва бошқа моллар давлат савдосида аллақачон кўринмай қолган.

«ҚОЗОҒИСТОН АВИАЖЎЛИ»

● **АЛМАТИ. Қозоғистон фуқаролар авиацияси бошқармаси бундан буён «Қозоғистон авиажўли» акционерлик бирлашмаси деб аталмоқда.**

Янги ҳужжатларни тайёрлаш ва уларга ўтиш ҳамда самолётларга ва аэропортларга рамзий, белгилар тасвирларини тушириш оз эмас, кўп эмас, бир неча юзлаб миллион рублга тушиши аниқ ҳисоблаб чиқилгани йўқ.

ТУРКМАНБОШИ ИККИ УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОРИ

● **АШГАБАТ. Сапармурод Ниёзовнинг ўзи раҳбарлик қилаётган Президент ҳузуридаги фан ва техника бўйича олий кенгаш Туркманбошига республика Фанлар академиясининг академиги фахрий унвонини берди.**

Республика раҳбари шу йилнинг ўзида Ашгабат ва Стамбул шаҳарлари университетларининг профессори ҳам бўлганди.

ЁРДАМ ДАСТУРИ

● **БИШКЕК. «Америка овозни» радиостанциясининг вакили Гарри Хайнец бу ерда матбуот мажлисини ўтказди.**

Журналист АҚШ ёш мустақил давлатларга ёрдам бериш дастури тайёрлаганлигини маълум қилди. 1994 йилда радиостанция туфайли Ҳамдўстлик мамлакатларидан 60 журналист Қўшма Штатларда тажриба ўрганади, Республикалардаги элчихоналарнинг ходимлари тажриба ўрганишга борадиган тингловчиларни ўзлари танлаш ҳуқуқига эгадирлар.

АСЛ НОМЛАР ҚАЙТАРИЛДИ

● **АЛМАТИ. Қозоғистондаги 15 та аҳоли яшайдиган қишлоқлар номи бир йўла ўзгартирилди.**

Совет ҳокимияти йилларида улар Маркс, Энгельс, Ленин ва уларнинг сафдошлари номлари билан аталган эди. Республика Олий Кенгашининг президиуми ана шу ҳақда қарор қабул қилди.

[Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди].

Қадриятларимиз

ҲАР ҚИШЛОҚНИНГ ЎЗ ТАРИХИ БОР

Биз узоқ йиллар ўз элимиз қолиб, ёт элларнинг тарихи ва маданиятини ўрганиб келдик. Туркистоннинг, Ўзбекистоннинг қадимда дунёга маълум ва машҳур бўлган бой мероси атайин ўқув тизимларига киритилмай, ёшларимиз онг-назаридан четга суриб қўйилди. Эндиликда республикамиз ўз мустақиллигига эришган шароитда наинки жумҳуриятимиз тарихини ҳатто улуғ шаҳарларимиз, кўҳна қадамжо бўлган қишлоқларимиз тарихини ҳам ўрганиш ва қайта тиклаш имкониятлари юзага келмоқда.

Намаганнинг қадимий ва навқирон Санг қишлоғи ҳақида ёзилган рисола бунга ёрқин мисол бўла олади. Ушбу мақола санглик зиёлилар тўплаган бой материаллар асосида юзага келди.

САНГ: МИЛОДДАН ОЛДИН ВА КЕЙИН

Одатда қадимий қўрғонлар ва масканлар душманлар ҳужумидан сақланиш қулай бўлган тепаликлар, тоғ тўсиқлари, дарё жарликларида барпо қилинган. Шунинг сингари «Минг уйли Санг» ҳам Сирдарёнинг юқори қисмида, унинг жарликларидан иборат ўнг қирғоғида милоддан олдинги III—II асрларда пайдо бўлганлиги маълум.

Қишлоқнинг «Санг» деб номланиши ҳақида турли ривоятлар ва тарихлар бор. Шулардан бирида айтилишича, араб истилочиларидан Қутайба ибн Муслим бошчилигида 710-713 йилларда Фарғонага бошланган юришда ҳалок бўлган араб намояндаларидан Хожа Абдуллоҳ Ансарин ва Хожа Ибадуллоҳ Аъламдорийларни дафн этишда қабр қазилганда ер қаттиқ чиққан, шунда «Санг заранг будаст» дейишган. Шу сабабдан «Санг — заранг» деб ҳам келишган.

Умуман, Санг — тошлоқ жой деган маънони ҳам англатади. Халифалик манбаларида Санг номи зикр қилинган маълум.

Бир пайтлар сарсон-саргардон бўлиб, подшоҳлик даъвосида алам ва изтиробда кезган пайтларида ёш Заҳириддин Муҳаммад Бобур Санг қишлоғи оралаб кўчганини «Бобурнома»да шундай ёзади: «Ахсининг бир шарқисида Гунбази Чаман деган ер бор. Гунбази Чамандин ўта Иброҳимбек мени чорлайдур. Кейин боқсам Шайх Боязиднинг бир чўҳраси Иброҳимбекка тегурубтур. Жиловимни ёндурдим. Жонқули Бёнқули менинг ёнимда эди. Бемаҳал ёнмоқдур деди. Жиловимни олиб тебради. Санга етгунча аксар кишимизни тушурдилар.

Санг Ахсидин икки шарқийдур. Сангдин ўтгач, кейнимизда ёғи кишиси кўринмай, Санг суйи юқори-ўқ юрурдик. Ушбу ҳолатдан саккиз киши қолиб эдик... Бу сув юқори тавр йўлғина учради. Қўлнинг ичи мамаридин йироқ ҳилват йўл, қўл юққори-ўқ юриб, сувни ўнг қўлга қўюб, яна бир қуруқ қўлга кирдик».

МУҚАДДАС ГЎШАЛАР

Бу жой азиз кишиларнинг қабр ва мозори кўплиги билан эътибор қозонган.

Санг тупроғида мўъминлар келиб сиғинадиган Хожа Рўшноий мозори, Йилқичи ота, Шер Эшон бува, Қизмозори, Шаҳид гўристон, Ғариб гўристон, Ғойиб гўристон, яна бир қанча мозорлар борки, уларнинг баъзилари совет ҳокимияти йилларида буздириб ташланган.

Сангдаги азиз жойларнинг бири «Уч айри» номидаги муқаддас маскандир. Бу ерда ҳовуз қазилиб, атрофига қайрағочлар экилган. Баҳайбат дарахтлар кесилмайди, қурган, синиб тушган шохлари Чустдаги ҳазрати Мавлоно бувага олиб бориб берилади.

Бу улуғ зот ҳақида шундай ривоят бор: Чустга Мавлоно бувага муридларидан бири сигир етаклаб бораётганида сигирни узоқдан кўриб, Мавлоно бува ёнида ўтирган Хожа Амодиддин бувага «бизга ҳадя қилгани сигир олиб келяптилар» дебдилар. Амодиддин бува: сигирни қорнида боласи бор экан, дептилар. Мавлоно бува: тўғри, шу боласини пешонаси оқ экан, дептилар. Шунда Амодиддин бува Мавлоно бувадан узр сўраб: тақдир азалда шундай экан, деган экан.

ҲУНАРМАНДЛАР ЮРТИ

Қишлоқ-маҳаллалари унда яшаб келган ҳунармандларнинг касб-кори билан номланади. Дастлаб бу ерга келиб ўрнашган аҳоли чорвачилик билан шуғулланган. Айни пайтда ёввойи ҳайвонлар, паррандалар ва дарёдан балиқ овлаб кун кечиришган.

Кейин кулоллар пайдо бўлиб, шу номдаги маҳалла юзага келган. Соз тупроқ, ўтин ва сувга яқинлик бу касб-ҳунарнинг тез ривож топишига сабаб бўлган. Дарё ёқасидаги жарликларда катта-кичик ҳумдонлар қурилиб, ҳум, кўза, тоғора, ҳурмача, товоқ, қўшқулоқ каби рўзғор буюмлари тайёрланган. Санг қишлоғининг ҳунармандлари ясаган ҳумлар Фарғона водийсида шуҳрат топган.

Баландлиги бир ярим қулоч келадиган, ичига ўн уч —ўн тўрт пуд ғалла сиғадиган ҳумлар жуда харидоргир бўлган. Айтишларича, бунақа «Нил» ҳумлар алоҳида буюртма асосида тайёрланиб, Қашқарга ҳам олиб кетилган.

Санглик пиллакашлар, бўзчилар, қандолатчилар, мисгарлар, наққош усталар, дурадгорлар, аравасозлар, темирчилар ҳафта давомида ўзлари ясаган, тўқиган мато ва ашёларни бозорга олиб чиққанлар.

Одамлар ёзда қишлоқ атрофидаги боғларида, далада ҳам қоларди. Бундай кезларда алоҳида мешкопчилар дарёдан сув олиб чиқардилар ва маҳаллама-маҳалла юриб, хонадонларга ичимлик сув келтириб берганлар.

XX АСР — АЛҒОВ-ДАЛҒОВ АСРИ

Санг қишлоғи аҳли ҳам бутун туркистонлик қисматдошлар сингари аср бошларида рус подшосининг истибдод ва зулмидан азоб чекди. Хусусан, қишлоқнинг шимолий қисмидан темир йўл ўтказилиб, деҳқонларнинг бир талай ерлари подшолик тасарруфига ўтди. Ғурумсарой, Олмосда бўлгани каби Санг қишлоғида ҳам 1905 йил баҳорида миллий мустамлака зулмига қарши халқ норозиликлари кўтарилди.

1916 йилда мардикор олиш ҳаракати бошланганида Туркистоннинг кўп жойларида бўлгани сингари Сангнинг Гузар майдонида 14—15 июль кунлари халқ ғалаёни бўлди. Бу хил норозиликлар натижасида мардикор олиш 2 сентябргача кечиктирилди.

Келаси йилнинг кузида «Ҳуррият бўлибди, подшо тахтидан тушибди» деган хабар тарқалиб, қишлоқ аҳлида келажакка умидворлик туғилди.

Кейинчалик деҳқонлар янги ҳокимиятдан ер олди. Бироқ кўп йил ўтмай, улар ерларини, от-уловларини колхозга қўшиб, деҳқончилик яроқли аксарият қисми «Сирдарё» жамоа хўжалигида ишлайди. Хўжаликда тўрт йилдан бери ҳамма соҳа режалари тўла ва ортиб бажарилаётганидан Поп районидаги илғор хўжаликлар қаторида келяпти. Ўтган йили жамоа хўжалиги ҳар гектардан 35 центнердан пахта хирмони кўтариб, юз миллион сўмга яқин даромад олди.

— Бизда Мамажон ота Тошматов ворислари кўп,— дейди хўжалик раиси Маҳаммаджон Маҳмудов ва санай бошлайди: — Меҳнат Қаҳрамони Ҳамравали Омонов пайғамбар ёшида бўлса ҳам бригадирликни ташлагани йўқ. Булутурги оғир шароитда ҳам 42 центнердан пахта йиғиштириб олди. Ўзбекистон халқ депутати Дилоромхон Раҳматова, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Сотволди Ҳамроқулов, ёш пахтакор Алижон Ҳошимов бригадаларида қирқ центнерга етказиб ва ундан ошириб ҳосил олинган.

Даромадга яраша буромад деганларидек, қишлоқ меҳнаткашларининг яратган бойлиги ҳисобига ободончилик, турли қурилишларга маблағ ажратилмоқда. Аввалги йили жамоа хўжалиги маблағига 50 ва 140 ўринли иккита болалар боғчаси бинолари қурилди. Ҳозир қишлоқда 10 та боғча ишлаб турибди.

Шу кунларда иккита мактаб биноси қурилмоқда. Икки километр масофага газ қувури тортилмоқда, ҳозиргача 80 фоиз хонадонга табиий газ етиб борди. Ҳамма қишлоқ йўллари асфальтланган, ичимлик сув етарли.

Санг халқи азалдан илмга чанқоқ. Шу сабабли бу ердан илмли ва маданиятли кишилар кўп етишиб чиққан. Уларнинг талай қисми республикамизнинг йирик шаҳарларида хизмат қилмоқдалар. Педагогика фанлари номзоди Раҳмонжон Ёдгоров, тарих фанлари номзоди. Собиржон Йўлчибоев. техника фанлари номзоди Умаржон Мелибоев, иқтисод фанлари номзоди, туман ҳокими Холмамат Талабоев, шунингдек, етук мутахассис Раҳима Аминжонова, генерал Сотволди Эргашев сингари зиёлилар шу ерда улғайиб, камол топганлар.

Ҳозир қишлоқдаги бешта ўрта мактабда ҳамда ҳунартехника билим юртида Сангнинг келгуси эгалари таълим олмоқдалар. Улар Санг қишлоғининг келажак тарихини яратажак ажойиб ёшлардир.

Рустам РАҲМОН.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

БЕМИННАТ ЁРДАМ

Андижон ип-газлама бирлашмаси касаба уюшмаси, корхона раҳбарияти меҳнаткашларни ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш учун ибратли ишларни амалга ошираяпти.

Жумладан, яқинда 500 ўринли ишчилар ошхонаси таъмирланди. Нон цехининг очилиши нур устига аъло нур бўлди. Тушлик учун ҳар куни 5000—7000 дона сифатли нон ёпиляпти. Ҳозирги кунга келиб бирлашма меҳнаткашларининг ойлик маошлари ўртача 50 минг сўмга етди. Жамоанинг ишга келиб-кетиши учун махсус автобуслар ҳам ажратилган. Жорий йилда корхонада ишловчи етти нафар ёшнинг никоҳ тўйлари ўтказилди. Ҳамда уларнинг уй қуришлари учун бирлашма томонидан 300 минг сўмгача фоизсиз пул улашилди.

Шуҳрат КЕЛДИЕВ.

ТОҒЛИ ЖОВУЗ — ЯНГИҚЎРҒОНГА

Маълумки, шу йилнинг баҳорида Китоб туманидаги Ҳисор тоғ этакларида жойлашган Жовуз қишлоғида аҳолиси содир бўлган тоғ кўчкиси оқибатида ҳавф остида қолди. Туман ҳокимлиги республика ҳукумати ва Қашқадарё вилояти ҳокимлигининг бевосита ёрдамига таяниб, тоғли жовузликларни ҳавфсиз жойга кўчиришга киришди.

Букинг учун тумандаги «Қишлиқ» жамоа ширкат хўжалиги ҳудудидан 25 гектар ер ажратилиб, янги қўрғон қурилиши бошлаб юборилди. Бу ишга вилоятдаги «Колхозстрой», «Агростроий», «Водстрой» трестлари каби йирик қурилиш ташкилотлари сафарбар этилди.

«Янгиҳаёт» деб номланувчи кўрғонда қисқа вақтда равон кўчалар, бир-биридан шинам уй-жойлар қад ростламоқда. Бош пудратчи 225-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонна ҳиммати билан дастлабки 35 та уй-жой фойдаланишга топширилди. Янги уйларда электр чироқлари порлади. Ҳовли тўйлари ўтказилмоқда. Ҳар куни Жовуз қишлоғидан тўрт-беш хонадон аъзолари хурсандчилик билан барча қулайликларга эга бўлган замонавий турар жойларга кўчиб келмоқдалар.

— «Янгиҳаёт» қўрғончасида ҳадемай 130 та уй-жой барпо этилади, — дейди туман ҳокими О. Пармонов. — Мамлакатимиз раҳбариятининг яқиндан берган кўмаги туфайли аҳоли учун қисқа даврда бутун бир шаҳарча барпо этилди. Деворлари мармар шувоқли 60 та уй кўчиб ўтишга тайёр. Жовузликлар ҳукуматимиздан чексиз миннатдор бўлиб, кўчиб келган масканларини ҳам ўз меҳнатлари билан боғ-роғли манзилга айлантиришга бел боғлаганлар.

Мусо КАРОМОВ,
ТЕАТР ЖАМОАСИ ЯНГИЕРЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Республикамиз санъатининг фахри бўлган Ҳамза театрининг ижодий жамоаси яқинда чўлқуварлар маскани — Янгиер шаҳри меҳнаткашлари ҳузурида меҳмон бўлдилар. Бу ердаги йирик билим маскани — лицейнинг катта залида шаҳар аҳли, талабалар ва зиёлилар билан ижодий учрашув ўтказилди.

Бу ерга тўпланганлар театр оқсоқоллари Наби Раҳимов, Ғани Аъзамов, Зикир Муҳаммаджонов, Турғун Хонтўраев, Пўлат Саидқосимовлардан тортиб ёш ва таниқли артистлар Тўлқин Тожиев, Эркин Комилов, Зуҳра Ашурова, қўйингки театрнинг деярли барча етакчи санъаткорлари билан юз кўришдилар.

Театр жамоаси янгиерликларга ўз репертуарларидаги машҳур саҳна асарларидан намуналар қўйиб бердилар. Ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

Абдужалил УМАРОВ.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

БЕКАТДАГИ ҚОТИЛЛИК

Кишк ҳанзал экса аччиғ бар топар,
Ва ғар пайшакар экса — шакар топар.

Алишер НАВОИЙ.

Улар тўрт киши эди. Базми жамшид авжига чиққан. Ёши улуғроғи Исмат ака пиёлаларга ароқ қуйиб, мамнун жилмайди. Хиёл кайфи ошган Кўпайсин чайналиб: «Юрагингиз дарё экан» дея ғудранди. Бундан Исмат ака сузмадай сузилиб, талтайди. Ўрнидан енгил қўзғалиб эшикка йўналди.

Шу пайт чойнак кўтарган Исмат ака эшикдан хушнуд кириб келди.

— Бундан ҳар кимга ҳам қуявермаймиз. Одами бор. Бу ёғи — ҳожатимни чиқардиларинг. Икки юз дона ғиштни цехларингдан ташиб келгунимча она сутим оғзимдан келаёзди. Ҳаммаси қадаҳ уриштириб, сўнг кўтаришди. Ҳофизнинг кўзидан иссиқ ёш қуйилди. Кўпайсин оғзини чангаллаганча уҳ-уҳларди. Пиёладаги спирт эди. Иккинчи қадаҳга навбат етганда Ҳофизнинг капалаги учиб:

— Етади ака, ағанашимиз шартми? — эътироз билдирган бўлди.

— Чўчиманг жигарим, бу асилидан, Американики! — Исмат ака пиёлани Ҳофизга узатди. Акбар ҳам узр сўради. Сарҳушликдан нос ютган боладай элиб тушган Кўпайсин:

— Ич-лари-нг, йигитга ноз ярашмайди, — деди.

Улар иккинчи қадаҳни ҳам бўшатишди. Вужудлари олов бўлиб ёнарди. Ҳофиз ҳушёр тортиб мезбондан узр сўради. Исмат ака дуога қафтини очиб уларга омонлик тилади. Сўнг меҳмонлар жойидан қўзғалишди. Кўпайсин гандираклаб ўрнидан турди. Акбар костюми енгидан ушлаб қолмаганда умбалоқ ошиши турган гап эди. Кўчага чиқишди. Ҳофиз ва Акбар анча хушёр эди. Улар иш жойларига етиб келишди-да уст-бошларини янгилаб кўчага чиқишди. Улар шу куни Ҳофизникида гап-гаштак қилмоқчи эди. Кўпайсин улар ортидан судралиб борарди. Гўё қўлу — оёғи бегона. Улар шаҳарнинг «Пахтазавод» бекатига етиб келишди. Бекатга йўловчилар кам. Шу пайт «Шаҳрисабз—Китоб» маршрутидаги автобус оҳиста тўхтади. Йўловчилар ўзларини эшикка уришди. Бундан ҳамияти қўзғалган Кўпайсиннинг баттар кайфи ошди. Бояги бўшанглик ўрнига унда ёввойи куч пайдо бўлди. Гандираклаб ичкарига кирди. Ўриндиқлар банд эди. Кўпайсин жунбушга келиб, бақирди:

— Ҳайвонлар-р! Қани йўл кира ҳақини чўз, бўлмаса, ичакларингни суғуриб-б ит-итнинг олдига отаман!

Йўловчилар ногаҳоний бақиришдан жим қотишди. Қутурган Кўпайсин қўлини ҳаволатиб:

— Ҳаммангни бошингни ёнғоқ қилиб чақама-ан! Онасини сотганлар гапирлари-нг! — дея қичқирди.

Йўловчилар тош ютгандек баттар жим қотишди. Менга кўзи тушмасин қабилида айримлари бошини бекитиб ҳам олишди.

Бас, ҳо, бас, — шофёр ёнида турган Ҳофиз кейинги салонда «сайраётган» Кўпайсинни огоҳлантирмоққа уринди. Китоб шаҳрининг сўнгги «марказий касалхона» бекатига етиб келгунга қадар Кўпайсин ҳовридан тушмади. Йўловчилар ҳам унинг мушугини пишт демади. Қайтангга қизжувонларни қўрқитиб йўл кира ҳақи ундирди. Бечора бир оқсоч кампир: «Бўтам, патта пулини тўлаганман» деб зорланишига қарамай ундан ҳам кира ҳақи олди.

Автобус сўнгги бекатга келиб тўхтаганда Кўпайсин йўловчиларни бир—бир паттасини «текшириб» туширарди. Ёш ўспирин йигитдан патта сўраганди, уни ори тутдими: «Нима ишинг бор», деди. Кўпайсин қутурган итдек унинг ёқасига тирмашди. Қўлидаги пуллар оёқ остига сочилди. Ўспиринни ортидаги болалар ўзларини олд эшик тарафга урди.

— Вой онангни... Ҳали сенми, менга гап қайтарган, тилгинангни суғуриб оламан!

Кўпайсиннинг кўзига қон тўлди. Доимо ёнида сақлаб юрадиган ўткир пичоқни қинидан суғурдию ўспиринни қорнига тиқиб, бурай бошлади. Ўсмир қаттиқ қичқирди. Автобус ойналари зириллаб кетди. Ноҳуш ҳолатни сезган Акбар ва Ҳофиз жуфтакни ростлаб қолди. Кўпайсин эса оёғи остида ичаги чавоқланиб ётган ўсмирга заҳархандалик билан жилмайди.Ҳайдовчининг бақириғи ҳавода қолди, милиция ходимларини айтиб келиш учун кўчага отилганда Кўпайсин ўзини қоронғиликка урди.

Қотиллик юз берди. Бир қаттолнинг дастидан она сути оғзидан кетмаган Алишер Эрматов ҳаётдан бевақт кўз юмди. Онасининг тутдай тўкилиб йиғлашларидан тош қумга айланди. Энди Алишернинг дўстлари, оиласи даврасида ўрни бўш, абадий бўш. Ўша куни Шаҳрисабз шаҳридаги касалхоналардан бирида даволанаётган акасини кўриб қайтганди. Унинг масъум, қулгувчи кўзларида ҳаёт чечаги сўнди.

Кўпайсин-чи? Ёши қирққа яқинлашган бу кимса беш нафар боланинг отаси бўла туриб тўнғичи тенг ўсмирни чавақлади. Яна судда ўзини мастлигини пеш қилиб, озодлик талаб қилди. Ҳайф сенга!

Қашқадарё вилояти халқ суди аъзоси С. Раимов раҳбарлигида ўтган жиноий ишлар бўйича судлов коллегиясининг очиқ суди Кўпайсин Ражабовни ўн беш йилга озодликдан маҳрум этди. У жазони кучайтирилган режим асосида ўтайдиган бўлди. Кошки шу билан диллар таскин топса.

Кўпайсин Ражабов Шаҳрисабз шаҳридаги нефть маҳсулотлари базаси ғишт ишлаб чиқариш цехида ишчи бўлиб ишларди. Шу куни унга шерик бўлган Акбар Иброҳимов ва Ҳофиз Авлоқулов ҳам шу цех ишчилари. Афсуски, улар бадмаст шеригини ҳақоратлашларига йўл қўйиб беришди. Агар вақтида огоҳлантиришганда борми, бу кўнгилсиз воқеа рўй бермаган ва бир она аза тутиб зор қақшаб йиғламаган,. бевақт сочларига оқ ораламаган бўларди. Йўловчилар-чи? Улар қўрқоқлик қилмаганларида, балки бу мудҳиш ҳодиса рўй бермасмиди?!

Уроз ҲАЙДАРОВ,
Қашқадарё вилояти ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи катта нозири, Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси.



Кейинги вақтларда Ургут шаҳри тобора чирой очмоқда. Бу ерда миллий қадриятларни тиклашга ҳам эътибор кучайди. «Шердор» маиший хизмат кўрсатиш корхонасида кетмон, пичоқ ва бошқа уй-рўзғор учун зарур бўладиган буюмлар тайёрланаётир. Рауф Гадоев эса корхонадаги моҳир ишчилардан бири.

СУРАТДА: Рауф Гадоев.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ИККИ ҚУШНИ ҲАМ ЕН БЕРМАЁТИР

● РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, икки томонлама муносабатларда кескинликнинг келиб чиқишига сабаб бўлган Кашмир можароси масаласида Ҳиндистон ҳам, Покистон ҳам ён бермоқчи эмас.

Исломобод Ҳиндистон ҳудудидаги террорчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлаб турар экан, Покистон билан яхши муносабатларни тиклаш мумкин эмас, деди Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Рао. Ўтган куни Уттар—Прадеш штатида бўлиб ўтган сайловолди учрашувларида мамлакат ҳукумати бошлиғи Покистон томонидан Ҳиндистонга қарши иш олиб борилаётганига «етарлича далиллар мавжудлиги»ни айтди. Нарасимха Рао «Шунга қарамасдан Деҳли қўшни мамлакатга дўстлик қўлини чўзишга яна тайёр эканлиги»ни изҳор этди.

Исломободда бўлиб ўтган матбуот конференциясида эса Покистон ташқи ишлар вазирлиги котиби Шаҳриёрхон «Кашмирдаги аҳвол юзасидан Деҳли билан икки томонлама жиддий муҳокама ўтказилмас экан, Ҳиндистон билан сулҳ музокаралари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас»лигини айтди.

РОССИЯГА МУНОСАБАТ ЎЗГАРМАЙДИ

● Германия Федератив Республикаси ҳукуматининг расмий вакили А. Фогель қуйидагича Баёнот берди: «10 ноябрь куни бўлиб ўтган ҳукумат мажлисида мамлакат канцлери Г. Коль, ташқи ишлар вазири К. Кинкель ва ҳукуматнинг бошқа аъзолари баъзи ғарблик танқидчилар Россияда эълон қилинган янги конституция лойиҳасидаги мавжуд камчиликларни асосингина топишганини таъкидлаб ўтдилар. Россияда ҳам мазкур ҳужжат юзасидан муайян танқидий фикрлар билдирилиши мумкин, лекин барибир Бонн ўзининг Россияга ва Ельцинга муносабатини ўзгартирмайди».

Д. Фогельнинг айтишича, мамлакат канцлери Г. Коль Пекиндан қайтиб келишда қисқа муддатга Москвада тўхтаб ўтади ҳамда Президент Ельцин билан учрашади.

ЖАҲОН ҲАМЖАМИЯТИ ИШОНИШИ КЕРАК

● «Агар Пхеньян ядро қуроли ишлаб чиқармаётганига жаҳон ҳамжамиятини ишонтирмас экан. Америка Қўшма Штатлари Ядровий муаммолар юзасидан Корея Халқ Демократик Республикаси билан икки томонлама музокаралар олиб боришни қайтадан йўлга қўймайди ва бу масаланинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгашида кўриб чиқилишига эришади».

АҚШ Давлат котибининг халқаро хавфсизлик масалалари бўйича ўринбосари Линн Дэвис фикри ана шундай.

АВСТРИЯНИНГ ТАШВИШИ

● Австрияннг Президенти Т. Клестил. Украина парламентининг Чернобиль атом электростанциясидан фойдаланишни давом эттириш ҳақидаги қароридан «жиддий ташвиш» билдирди. У Венада Украинна ташқи ишлар вазири А. Зленко билан учрашув чоғида ана шуни маълум қилди.

Президент девонхонасидан хабар қилишларича, учрашувда икки мамлакат ўртасида радиоактив заҳарланиш хавфидан огоҳ этадиган силсила яратиш ва Австрия мутахассисларининг Украинна АЭСида бўлиши билан боғлиқ масалалар ҳам муҳокама этилди.

ЕВРОПА ҲАМЖАМИЯТИНИНГ ЯНГИ НОМИ

● Европа Ҳамжамияти бундан буён Европа Иттифоқи деб аталади.

Шу йил 1 ноябрдан кучга кирган Маастрих шартномаси тақозо этган бу қарор ягона валюта ва иқтисодий иттифоқ тузишга аҳдлашган мамлакатлар ташқи ишлар вазирларининг ўтган куни Брюсселда бўлиб ўтган йиғинида кабул қилинди. Шу вақтгача Европа Ҳамжамияти кенгаши деб юритилган бу йиғин ҳам эндиликда Европа Иттифоқи кенгаши деб аталадиган бўлди.

ХИТОЙ—ЛИТВА МУЗОКАРАЛАРИ

● ХХР Давлат Кенгаши Бош вазири Ли Пен Пекинда расмий сафарда бўлган Литва Президенти А. Бразаускас билан учрашди.

Суҳбат чоғида у Хитой Литва билан тинчтотув яшашнинг беш принципи асосида дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш тарафдори эканини билдирди.

ИСЛОМОБОДДАГИ ЁНҒИН

● Исломободда содир бўлган ёнғин натижасида Миллий ассамблеянинг (парламентнинг қуйи палатаси) мажлислар зали яроқсиз ҳолга келди.

Бу ерда янги Президент сайлови бўлиб ўтиши лозим эди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

ЎЗБЕКИСТОН — АЗИЗ ВАТАНИМ

ЭРТАГА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ ОЧИЛАДИ

НУКУС ТАНТАНА АРАФАСИДА

— Республикамиз мустақилликка эришгандан буён айниқса йўқолиб кетаётган миллий қадриятларимизни тиклашга онд ибратли ишлар қилинмоқда. Сиз маданият соҳасида кўп йиллар ишладингиз. Шу бонс ўзингизнинг таассуротларингизни ва Тошкент шаҳар маданияти кунлари ҳақида гапириб берсангиз, — деб Қорақалпоғистон давлат ўлкашунослик музейи директори, Ўзбекистон республикаси ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Отавулла Оға ХУДОЙБЕРГАНОВга мурожаат қилдик.

— Тошкент шаҳар маданият кунларининг Қорақалпоғистонда ўтказилаётганлиги ажойиб тарихий сана — Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибига кирганлигининг 60 йиллик юбилейи арафасига тўғри келмоқда. Ўзбек, қорақалпоқ халқлари азалдан ака-ука, опасингил, бўлиб, бир туғишганлардек яшамоқдалар.

Биринчи куниёқ барча ўзбек халқи, айниқса Ўзбекистон раҳбарияти Қорақалпоғистонни ўз бағрига олди. Қорақалпоқ халқининг тақдирини ўз тақдиримиз деб тан олди.

Маданият арбобларимизнинг кўп йиллик орзу-умидлари Қорақалпоғистон Республикаси маданият кунларини алоҳида нишонлаш эди. Мана, шу орзумизнинг биринчиси Москвада Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бўлиб ўтди. Уни ўтказишга тайёргарлик кўришда Тошкент шаҳри бизга яқиндан ёрдам қўлини чўзди.

Қорақалпоғистон маданиятини тез суръатлар билан ривожлантириш, унинг ижодий тизимларини кенгайтириш, янги бадиий жамоаларини ташкил этиш зарур эди. Шу муносабат билан Нукусда маданий-оқартув техникуми, театрнинг янги биноси, «Қирққиз» эстрада хореография ансамбли, ёш тамошабинлар театри, симфоник оркестри, давлат ашула ва рақс ансамбли, қўғирчоқ труппаси тузилди.


Қорақалпоқ профессионал бадиий санъати нисбатан ёш. Шунга қарамасдан, бугунги қорақалпоқ маданияти ривожланяпти. Бу соҳада Тошкент шаҳрининг таниқли санъаткорлари, зиёлиларнинг хизматлари катта. Бундан кейин ҳам шундай ғамхўрлик давом этишига ишончим комил. Санъат ва маданият кадрларини тайёрлашда, малакасини оширишда Тошкент Давлат консерваторияси, Театр ва рассомлик институти, Маданият институти, хореография ўқув юртида доимий ишлайдиган қорақалпоқ группалари очилди.

Маданият кунларига бағишлаб музейимизнинг бир залида «Ўзбекистон — азиз ватаним» мавзуида кўргазма ташкил этилди. Кўргазма давлат арбоблари А. Икромов, Й. Охунбобоев, У. Юсупов, Ш. Рашидовларнинг портретлари, илм-фан маданият арбоблари, таниқли ёзувчилар, шоирлар, драматургларнинг расмлари қўйилган. «Саҳнанинг юлдузлари» бўлимида таниқли ўзбек санъаткорларига кенг ўрин берилган.

«Орол ҳамиша яшайверади» деган доимий кўргазмада Орол ҳақида чиққан қарорлар, Орол бўйи масалаларига бағишлаб ўтказилган симпозиумлар, назарий-амалий конференциялар ҳужжатлари, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи матни қўйилган. Маданият кунларига бағишлаб ташкил қилинган кўргазмани томошабинлар зўр қизиқиш билан томаша қилмоқдалар.

Қорақалпоғистон Республикасида ўтадиган Тошкент шаҳар маданияти кунлари умумхалқ байрами сифатида нишонланади. Республикамиз халқи қардош тошкентлик азиз меҳмонларни табассум билан кутмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



НУКУС. Бу ерда тошкентлик азиз меҳмонларни муносиб кутиб олишга қандолатпазлар ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда.

К. УРОЗОВ олган сурат.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати

«ИЛДИЗИ ҲАМ, ШОХЛАРИ ҲАМ ТУТАШ...»

Ҳар йили куз ойлари Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси ва жамоат арбоби Тўлепберген Қайипбергенов Амударё ёқасида жойлашган тўқайларни бирма-бир кезиб чиқади. Ранг-баранг довдарахтлар ва қушлар билан суҳбатлар қуради. Бўлажак қаҳрамонларининг тимсолларини излайди, сюжетлар тўқийди, тинчлик бермай юрган мавзулари учун илҳом олади.

— Мана бу кўкка бўй чўзган Туранғилга бир эътибор беринг-а, — дейди у, суҳбатдош дўстларини ёнига чорлаб. — Дарахтнинг чуқур илдизлари ва бир-бири билан туташиб кетган, шохлари ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги, оға-инилиги, қон-қардошлигини эсга солади.

Тўлепберген оғанинг сўзларида катта ҳақиқат бор. Чиндан ҳам ўзбек ва қорақалпоқ халқлари дўстлигининг илдизлари чуқур ва қадимийдир.

Асрлар давомида ўзбек ва қорақалпоқ халқининг асл фарзандлари ҳамиша бирбирларига тиргак, мадад бўлиб келганлар.

Орол денгизи осмонида қуюқ қора булутлар тўпланган бошланган бир пайтда ўзбек адиблари ва зиёлилари биринчилардан бўлиб, бу ҳақида бонг урган эдилар.

Собиқ СССР Олий Советининг минбаридан туриб, Тўлепберген Қайипбергенов билан Одил Ёқубов кўкрагини «ўқ ёйлар»га қалқон қилиб Орол ҳақидаги аччиқ ҳақиқатни айтган эдилар.

Инсон ҳуқуқлари учун толмас курашчи бўлган академик А. Сахаров ўзининг «Эсдаликлар»ида шундай ёзади:

«Қорақалпоқ адиби Т. Қайипбергенов минбарига кўтарилади ва ўз халқи ҳамда Орол фожеаси ҳақидаги аччиқ ҳақиқатларни шу қадар қуйиниб айтадики, беихтиёр равишда унга миннатдорчилик билдиргинг келади».

Ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг азалий дўстлиги, қон-қардошлиги ҳақида ёзиладиган тўлақонли, баркамол асарлар ҳали олдинда.

Музаффар АҲМАД

МАЪНАВИЯТ ЭЛЧИЛАРИ

Жонажон Ватанимиз мустақиллигининг икки йиллиги байрами арафасида қорақалпоқ адабиёти учун муҳим эътиборга молик воқеа бўлди — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раиси Ражаббой Йўлдошев «1992—1993 йиллар учун адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳаларида Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Республикаси давлат мукофотларини бериш ҳақида»ги Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг қарорига имзо чекди.

Мазкур давлат мукофотига номзодлар рўйхати шу йилнинг январь ойида эълон этилиб, ўтган олти-етти ой мобайнида адабий жамоатчилик номзодларни матбуотда етарлича муҳокама қилди. Қарорга кўра, қуйидагилар ушбу мукофотга сазовор бўлдилар:

Муаллифлар жамоаси: **Наврўз ЖАПАҚОВ** (марҳум), **Қабил МАҚСЕТОВ** (раҳбар), **Асен АЛИМОВ, Артиқ КАРИИМОВ, Қалбай МАМБЕТНАЗЕРОВ, Мнажатдин НИЗАМЕТДИНОВ, Тўребай НИЕТУЛЛАЕВ, Кўйбейсин ЕРНАЗЕРОВЛАРга** — 20 жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» йиғиндисини тузгани ва босмага тайёрлаганликлари учун.

Кенгесбой АЛЛАБЕРГЕНОВга — «Дарё саёз тортган йиллар» романи учун.

Гулистон МАТЁҚУБОВАга — «Юрак билан юзма-юз» шеърий тўплами учун.

Абдулла САДИҚОВга — «Тошда ҳам гуллайди...» романи учун.

Шубҳасиз, бугунги ночор иқтисодий турмушимизда ижод аҳлининг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши, моддий рағбатлантирилиши, бадиий етук асарларнинг эътироф қилиниши жуда муҳим воқеадир.

Мукофотланган ишлар орасида 20 жилдлик «Қорақалпоқ фольклори» йиғиндисини ҳеч бир муболағасиз «Олтин хазина» деб аташимиз мумкин. Қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди — туркий халқлар оғзаки ижодидаги бой ва ноёб хазиналардан бўлиб, бу чаманхазина минглаб эртакларни, мақол ва топишмоқларни, ажойиб халқ қўшиқлари ва айтишувларни, нодир достон ва қиссаларни ўз ичига олади. Бу хазинанинг намуналарини ёзиб олиш ва тўплаш, чоп қилиш ишлари гарчи ўтган асрдаёқ бошланган бўлса-да (бу ўринда рус зиёлилари, олимлари, ноширларининг хизматларини эслаб ўтиш зарур), асосий саъй-ҳаракатлар асримизнинг ўттизинчи йилларидан эллигинчи-олтмишинчи йилларида амалга оширилди. Айниқса, урушдан аввалги йилларда олимлардан Садирбай Мавленов, Шамшет Хўжаниязовлар фидокорона меҳнат қилдилар. Чунончи, улар Қурбанбай Жировдан машҳур «Қирқ қиз» достонини ёзиб олган эдилар. Мазкур достон кейинчалик Асен Бегимов, Наврўз Жапақовлар томонидан тўла ёзиб олиниб, 1949 йилда чоп қилинган. Эътиборли жойи шундаки, бундан аввалроқ, 1948 йилда достоннинг рус тилидаги таржимаси Тошкентда чоп қилинган (таржимон Светлана Сомова), яъни, дастлаб достоннинг таржимаси ёруғлик кўрган, шундан сўнггина асл нусхага йўл очилган эди.

Олтмишинчи-етмишинчи йиллар материалларни тўплаш, ўрганиш, босмага тайёрлашда самарали давр бўлди. Қорақалпоғистондаги энг иқтидорли бахшилар, жировлар, қиссахонларнинг ижоди ва репертуари илмий ходимларнинг тадқиқот ва таҳлилот майдонига айланди. Қабил Мақсетов раҳбарлигидаги экспедиция фақат муайян ҳудуд билан чекланиб қолмай, Андижон, Наманган, Фарғона, Самарқанд вилоятларида ҳам бўлиб қайтди.

Хуллас, 20 жилддан иборат қорақалпоқ халқ оғзаки ижоди йиғиндисининг чоп қилиниши қорақалпоқ халқининг маданий-маънавий ҳаётида улкан воқеа бўлди.

«Юзма-юз» тўпламининг муаллифи Гулистон Матёқубованинг номи шеърият мухлисларига яхши таниш. Қорақалпоғистонда яшаб ижод қилаётган ўзбек шоираси етмишинчи йилларнинг охири — саксонинчи йилларда адабиётга кириб келди. Шу кунгача ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида унинг ўндан ортиқ шеърий, насрий тўпламлари чоп этилиб, ўқувчилар меҳрини қозонди.

Шоиранинг қаҳрамонлари — бугунги кунининг хотин-қизлари. Унинг шеърларида мунис-муҳтарам Шарқ аёли ўзининг энг ичкин, энг жозиб, энг муқаддас ҳис-туйғулари билан, меҳнати, орзу-интилишлари билан намоён бўлади. Эътироф қилиб ўтиш жоизки, қорақалпоғистонлик шоира Гулистон Матёқубованинг ижоди ҳам ўзбек аёл-қизлар шеъриятининг ажралмас, муҳим халқаларидан биридир.

Замонавий қорақалпоқ насри кейинги ўн йигирма йил ичида улкан янгиликларни, сон, сифат ва мазмун ўзгаришларини бошидан кечирди. Тўлепберген Қаипбергенов, Караматдин Султанов, Ўразақ Бекбаулиев, Абат Алиев, Сапарбай Салиев, Исмаил Қурбанбаев, Аденбай Тажимуратов, Шовдирбай Сеитов, Камал Мамбетов, Узақбай Пиржанов, Сарагул Бахадирова, Абдимурат Атажанов, Кенгесбой Смамутов, Ташкенбай Халмуратов, Ўрозбой Абдраҳманов, Қўнисбай Камалов, Абдулла Садиқов, Кенгесбай Аллабергенов, Гулойим Турсунова, Ҳурлиман Ўтемуратованларнинг ҳикоя, қисса ва романларида қорақалпоқ халқининг ҳаёти, меҳнати, турмуш уринишлари ўзининг ҳаққоний ифодасини топди.

Абдулла Садиқов ва Кенгесбой Аллабергеновлар қорақалпоқ насрининг кенжа авлодига мансуб адиблар. Уларнинг ҳар бири шу кунгача уч-тўрттадан қисса, икки-учтадан романлар эълон қилишди.

«Тошда ҳам гуллайди...» романи тасвир услубига кўра, «шафқатсиз наср»да ёзилган бўлиб, муаллифнинг жаҳон адабиёти намуналаридан яхши хабардор эканлиги сезилади. Асарда оддий халқнинг турмуши, қишлоқ воқеликлари, ҳаётнинг машъум кўргиликлари, инсон маишатидаги нопок қилғиликлар аёвсиз тасвирланади. Асар бош қаҳрамони Жумабой — ўқитувчи. У ҳаётда ўзи кўрганбилган, дуч келган ноҳақликларга нисбатан муросасиз. Болаларнинг шинам боғчаларда ўқиши учун, меҳнаткаш деҳқонлар ҳақи тўғри тўланиши учун, раҳбар шахслар одил фаолият кўрсатишлари, халқ ва инсон тақдирига бефарқ қарамасликлари учун курашади.

Асарда «бешафқат наср» намуналари кўп, дедик. Пахта пайкалларини дорилаш пайтида заҳарланган Садирбайнинг ҳалок бўлиши ва дафн маросими... Қоғозда бору ўзи йўқ боғчанинг ишламаслиги туфайли, Аноргул ва Ўрозбойларнинг икки гулдай фарзанди сиртдан қулфланган уй ичида қолади, ёнғин чиқиб икки гўдак димиқиб ўлади... Жумабой қамалиб кетгач, унинг онаси фарзанд доғида куйиб, оламдан ўтади... Гўдакларидан айрилган савдойи Ўрозбой вос-вос касалига йўлиқади... Бу хил воқеалар тасвирланган саҳифаларни тинч ўтқариб ўқиш мумкин эмас.

Филология фанлари номзоди Кенгесбай Аллабергенов — қорақалпоқ адабиётида қатор илмий-ижодий изланишлари билан кенг танилган.

Унинг икки қисмдан иборат («Хатарли сўқмоқлар» ва «Виждон иши») янги романи— «Дарё саёз тортган йиллар»нинг бош қаҳрамони ҳам аввал мактабда ўқитувчилик қилади, сўнг ички ишлар бўлимига ишга ўтади. Жалғас қайси жабҳада ишламасин, ўзининг кўнгил иши — тарбиячиликни унутмайди. Кўплаб одамларнинг тўғри йўл топиб олишларига сабабчи бўлади. Ёзувчи ўз қаҳрамонлари — Жалғас, фоҳиша Гулой, қотил Аман Қарабаев, Сирғагулларнинг қисматларини, хатти-ҳаракатларини, воқеаларга муносабатини тасвирлар экан, китобхонни кундалик ҳаётнинг турли қатламларига бошлаб кетади, кўнгилларнинг кенг кўчаларига олиб киради, фалсафий-маънавий муқоясалар қилиш имконларини яратиб беради. Дарёларнинг саёз тортиши — инсон тарбиясида, психологиясида, жамиятнинг ҳаётида рўй бераётган манфий ўзгаришларнинг оқибатидир — муаллиф ўз асарида олға сураётган фалсафий-тарбиявий ҳукм мана шу.

Хулоса қилиб айтганда, Бердақ номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлган асарлар қорақалпоқ халқининг маънавий-адабий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлган.

Энди, ўзбек-қорақалпоқ адабий алоқалари ҳақида бир оғиз сўз. Афсуски, бу алоқалар сўнгги беш-ўн йил ичида ҳаммага маълум сабаблар туфайли сезиларли даражада сусайиб қолди. Эътиборга лойиқ бўлган кўплаб асарлар, қорақалпоқ адабиётининг энг яхши намуналари таржима қилинмасдан қолаяпти. Амалга оширилган катта-кичик асарларнинг таржималари ҳам газета-журналлар саҳифасида бир кўриниб, шу ҳолида қолиб кетаяпти. Уларни китоб шаклида ўқувчиларга етказиш имкониятлари эса торайди. Ҳолбуки, юқорида айтиб ўтилганидек, кейинги пайтларда қорақалпоқ насрида, шеъриятида, драматургия ва болалар адабиётида ҳам кўплаб яхши-яхши асарлар дунёга келди. Ижодкорлар сафи янги номлар, истеъдодлар билан бойимоқда. Уларнинг асарларини жаҳон тилларига таржима қилиб тарқатиш илоҳлари топилса, айни муддао бўлар эди. Ўйлаймизки, Қорақалпоғистонда бўлиб ўтадиган Тошкент шаҳри маданияти кунларида ўзбек ва қорақалпоқ ижодкорлари ушбу муаммоларни биргаликда ҳал қилиш борасида ҳам фикрлашиб оладилар. Зеро, «адабиётлар дўстлиги — халқлар дўстлиги» деган ҳикмат эскирмайдиган ҳақиқатдир.

Кенгесбой РАҲМОНОВ

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Тулпорим менинг елмоқда,
Чамалаб йўлларнинг имконин.
Дарёлар қуйилган ёқларда
Гулларни орзуим-армонимга
Ҳар кунн қарайман Шарқ томон,
Излайман нурларнинг уясин.
Кўзимни яшнатиб шу лаҳза
Яраклар азизим — қуёшим!
Биз яна барқ уриб, гуркираб
Оламиз келажак томон йўл.
Юракда янграйди бир тилак:
— Ўзбекистонним, омон бўл!
Омон бўл халқларнинг бахтига,
Омон бўл, қуёшли осмоним!
Нур тўкдинг келажак роҳига,
Яшайвер, Ўзбекистоним!
Азалдан сен эркин юрт эдинг,
Мустақил овозинг янгради!

Ўз ризқу насибанг, иззатинг
Ёт панжалар ичра қолмади!
Ким сенга бошини эгмаган,
Тан олиб тарихинг, сеҳрингни!
Ким сени ардоқлаб севмаган,
Соғиниб дўстпарвар меҳрингни!!
Ўзбекистонним, сен — мен учун
Ортиқсан ҳаттоки олтиндан!
Сен билан кам-кўстим — бус-бутун,
Юкларим қолмагай ортимда
Косовинг қўлингда, ўчоғинг
Қайнатар тўкинлик қозонни.
Гул билан тўлган кенг қучоғинг
Эспатар жаннатнинг бўстони!
Ҳуррият дегани — шу, ахир,
Узингга тегишли осмонинг.
Мангуга ёр бўлсин ҳур тақдир,
Омон бўл, сен Ўзбекистонним!

Жўлдос ДИЛМУРОТОВ

ХОРАЗМ

Қучоғингда меҳмон бўлганда ўзим,
Буюк минорларга тикилди кўзим.
Эсимга туширди мадрасаларинг
Ажиниёз шоирнинг талаба кезин.
Аму бўйларида гўзал боғ бўлиб,
Гоҳ кўзни ёндирдинг шамчироқ бўлиб.
Нурли манзилларинг меҳрининг кони,
Оқдик гузарларда дарёдай тўлиб.

Бахтли кунларимда янграса созим,
Созимга жўр бўлди жозиб овозинг.
Навбаҳор келганда ойдин кўлларда
Бирга учиб юрар ўрдаги-у, ғозинг.
Юраклар дўстисан азалдан ўзинг,
Кўрдим тупроғингда бобомнинг изин.
Асрлар гувоҳи, эй машҳур ўлка,
Салом, қадрдоним, салом, Хоразм!!

Жўлмирза ОЙМИРЗАЕВ

МАКСИМ ГОРЬКИЙ НОМИДАГИ СОВХОЗДА

Ушбу шеър Амударё туманида меҳмон бўлганимда ёзилган эди. Уша ерлик қадрдон ўзбек бовурларимга бағишлайман.

«Бир туз тотган уйга қирқ кун бер салом...» —
Халқим шу ҳикматни айтади такрор.
Яхши сўздан нурдай ёришар олам,
Эзгуликнинг жону дилда ўрни бор.
Ким мард бўлса, қирқ кун эмас, умрбод
Туз ҳурматин дилда асраса яхши.
Шу ҳурматни ёдда тутса ҳар авлод,
Сайқал топар дўстлик — ҳаётнинг нақши.
Максим Горький совхозида бўлиб мен,
Уйимга қайтганман дарёдай тошиб.
Бу юрт сулув экан, ажойиб маскан,
Уйлари бор — бир-бирига туташиб,
Одамлари бахтли яшар, меҳрибон,
— Келинг, тўрга чиқинг, меҳмоним! — дейди.
Қадим урф-одатлар сақланган ҳамон,
Ҳамиша дўстларнинг ғамини ейди.
Кўк-яшил ёпинган, гул очган боғлар
Атридан маст бўлди меҳмонлар ҳамма
Қўл чўзсанг, кўз олиб кайфингни чоғлар
Сўлқим-сўлқим узум, қип-қизил олма.
Оғзингни теккизсанг тарвуз, қовунга,
Мазаси тил ёрар, қайта яшайсан.
Сигирлар уюрдан қайтганда уйга,
Сут-қатиғин ичиб, мойин ошайсан!
Олти ой, баҳор-ёз отиз оралаб
Меҳнат қилганларин биламан-ку мен.
Кузда тонг отгандан кунни қоралаб
Хирмон уйганларни кўрганман-ку мен.
Шундай ёз кунида тонгни оттирдик,
Эсимда осмонни ёритган Чўлпон.
Бир кун меҳнат заҳмин бирга тотидик,
Ҳорма, эй деҳқоним, эй мард Отажон!
Сизлар — қатқалоққа айланган ерни
Юмшатиб, заминдан унум олганлар!
Қайта экиб, тўкиб манглайдан терни,
Мардлар рўйхатида мангу қолганлар!
Езган шеърларимнинг ҳар бир қаторн,
Карвон йўлингизга из бўлса эдн.
Нурли қуёш бўлиб ҳар тонготари,
Куз ҳам сизга мушфиқ куз бўлса эди.
Дўстлар, қабул айланг ушбу тилакни,
Мақсад-муродингиз доим ёр бўлсин!
Шодлик маскан қилсин сизнинг юракни,
Деҳқонча шон-обрў сизга бор бўлсин!
Тўрт мавсум тинмасдан оқизиб терлар,
Мушкулларни енгди курашларингиз.
Қутлуғ бўлсин сизга, азамат эрлар,
Улуғ хирмондаги улушларингиз!

ТЕЛЕФОНДАН:

— Чорламоқда бизни Тошкент шаҳари,
Бошланмоқда Маданият кунлари...
Кун эртага, тонгги соат оятида
Кутар сени «Ўзбекистон» лайнери.

Бошбуртингни киссага сол адашмай,
Сен бормасанг қизиқ бўлмас ҳойнаҳой.
Кечирасан, қўнғироқ қилиб турган бу —
Театрнинг директори Жўлдосбой...

РАФИҚАМ ШУНДАЙ ДЕДИ:

— Мард топилар, бироқ майдон топилмас,
Майдон бўлмай бедов отлар чопилмас,
Шундай кунда номинг бекор тутилмас,
Чақирилган жойдан қолма, шаҳбозим!

Сен-ку халқнинг шонрисан ардоқли,
Элга сенинг сўзинг керак салмоқли,
Ибрат тутиб Ажиниёз, Бердақни,
Қалам-қоғозни ол қўлга, шаҳбозим!

Ўзбекистон — ўзимизнинг Ватан бул,
Туркистон — қадимий ота макон бўл,
Халқ ҳурмати — энг юқори баҳонг бул,
Қатордан қолма ҳеч, олға, шаҳбозим!

Тўлибой ҚОБУЛОВ,
Қорақалпоғистон халқ шоири

ТОШКЕНТ КУНДАЛИГИ

(туркум)

Шаҳри Тошкент — шоирларнинг шаҳари,
Машҳурдир санъати, сози, «Баҳор»и,
Қутлуғ бўлсин биродарлар диёри,
Мардлар йўлдош бўлсин йўлда, шаҳбозим!

ТОШКЕНТ КУТИБ ОЛДИ

Тошкент кутиб олди... Карнай-сурнайлар...
Жўшқин куйлар юракларни тирнайлар!...
Кўнгил тошди... Гуллар даста ва даста,
Кенг осмоннинг остига ҳеч сиғмайлар...

Пойтахтга қўнган пайти учоқлар,
Гул билан меҳрга тўлди қучоқлар,
Дийдор, салом-алик... Меҳмонлар ўзин
Азиз дўстлар билан суҳбатга чоғлар.

Шунча нурли сиймо!
Абдулла Ориф
Бизга интиларди ўртани ёриб.
«Жигарларим, хуш келдингиз!» — дер эди
Мезбонлар меҳмонга қучоғини ёзиб...

МЕН БУНДАЙ ДЕДИМ:

— Тошкент! Меҳмондўстлигингга қойилман!
Умрим бўйи мақтамоққа мойилман.
Дўстпарварнинг кўрдим ёркин тимсолин
Ҳурмат ила узатган кўк чойингдан.

Қучоқ очдинг: «—Дўстим қорақалпоқ!—деб,
Орол каби тоза сувга чанқоқ, — деб,

Бизмас, сизлар қўй сўйиб, бош қўясиз,
Қорақалпоқ чин дўстларга муштоқ дебі...»

Менга маъқул тушгани шу сўз бўлди,
Шу сўз дала бўлди, ёруғ кўз бўлди,
Шеърга тўлиб кетди чўнтагим, қўйним,
Барин ўқиб бермоққа вақт оз бўлди.

Қадам ташлаб юрсам кўчаларингда
Жаннатдай яшнадинг юрак тўрида,
Уйлардим мен: бу ўлканинг кўрк, ҳусни
Топилармн янги тушган келинди!..

Отасидан улуғ тутиб меҳмонни,
Дўстлар аро ёзди кенг дастурхонин,
Мустақиллик майдонидан гўзалмн —
Бор савлатин ёнғиб келсанг дунёнинг!!


Жўлмирзани кўриб Иззат Отахон[1],
Бўлди бир-бирига жон ила қурбон,
Улар қучоқлашса — йиғлаб юборди
Меҳрга орзуманд бу кекса жаҳон!

Тошкент, раҳмат сенга нон-тузинг учун!
Иссиқ сўзинг, нурли кундузинг учун!
Ҳув қўшиклар ёқалашиб турганда,
Намойиш қилдинг сен дўстликнинг кучини!

[1] (Жўлмирза Оймирзаев, Иззат Султоновлар кўзда тутиляпти).

• *Тўйхат ўрнида*

ОЛТМИШИНЧИ ОСТОНА



...Унинг падари бузрукворн тоза дил, дилбар кўнгил, қалби яхшиликка кон, элу юрт севган, шонрқалб, зукко инсон эдн. Қишлоқ аҳли уни Искандар ота, оқсоқол бова деб аташарди...

Авлодларга Навоий, Фузулийдан сабоқ берган. Огаҳий ва Фузулий, Фероз ғазалларини куйлаган ҳофизу халфаларга узоқ йиллар раҳнамолик қилган. Ўзи ҳам

«Одамийлик менн тарк айлаган он,
Хароб бўлса розндурмен хонумон»,

дея, ғазаллар ёзиб, ёна-ёна куйлаган Искандар оқсоқол ҳам қатағон давр қурбони бўлди...

Оқсоқол бова зулмат оламига юз тутган кунлари оила ва қишлоқ саркоридан, меҳрибон сирдошидан айро қолган онаизор ҳеч вақт ўтмай фариштадек ўғил кўрди... Қардош-уруғлар унга Умид деб исм қўймоқчи бўлишди, онаизор эса «Отасини кутайлик, у албатта қайтиб келиб, боласига ўзи от қўяди» деб жигарларига маслаҳат солди... Шундай қилиб, оилаю эл болага исм қўймасдан Искандар оқсоқол бовани қирқ кун кутишди, лекин ундан дарак бўлмади. Охири, онаизор «келинглар, болажонимга энди от қўяйверайлик, унинг оти Ғойибназар бўлсин, яратган ғойибдан назар қилиб, унинг отасини бизга етказсин», дея жигарларига юзланди. Ҳаммага бу исм маъқул келди. Шундай қилиб фарзандининг исми Ғойибназар бўлди. Аммо отадан хабар келмади... Ғойибназар эса йигит бўлиб етилиб, ўз қишлоғидаги ўрта мактабни ҳам олтин медаль билан тугатди.

У қайда бўлмасин онаизорининг «отанг ғазалу сознинг мухлиси, мухлисигина эмас, ўша соҳанинг мумтоз соҳибларидан бири эди», деган сўзлари бўлажак санъаткорнинг қулоғидан кетмасди. Доимо ота бўлиб соз чалиш, ғазал айтиш, куйлаш истаги бир сония ҳам уни тарк этмасди.

Ўша истак, ўша орзу Ғойибназарни 1955 йили Тошкентдаги ҳозирги Маннон Уйғур номидаги санъат институтига етаклади. Уни машҳур режиссёрлар Яътим Бобожонов, Тошхўжа Хўжаев, Ўзбекистон Халқ артистлари Назира Алиевалар имтиҳон қилишди ва театр киноактёрлар тайёрлаш факультетига қабул қилишди. Талабалик даври ҳам ниҳоясига етди. Ғойибназар Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри жамоаси сафига актёрликка қабул қилинди. Кўп ўтмай саҳнада турли қаҳрамонлар қиёфасини ярата бошлади. Уйғун ва Иззат Султоннинг «Навоий» драмасидаги Мўмин Мирзо, А. Қаххорнинг «Шоҳи сўзана» комедиясидаги Омон ва бошқа қатор образлари юқоридаги фикримизга далил бўла олади.

У йиллар ўтиб ўзини режиссёрлик соҳасида ҳам синаб кўришга бел боғлади ва 1961 йили Ўзбекистон телевидениесига режиссёр сифатида ишга ўтди. У энди ўзини оғир синовларга чоғлай бошлади. Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасини телеэкранга кўчириш борасида иш бошлади. Не бахтким, ойлар ўтиб кўзланган мақсад рўёбга чиқди. «Жамила» телеспектакли ўзининг янгича талқини ва ҳаётийлиги билан томошабин ва адабиётчиларни жуда мамнун этди. Ёш режиссёрни эса ҳамкасб дўстлари илк муваффақият билан муборакбод этишди.

Замин айланаверяркан, инсон умри шу боқий замин узра мақсад сари елаверяркан... Орзулар кетидан орзулар, умидлар кетидан умидлар туғилаверяркан. Халқ назарига тушган одам эса тобора масъул дунё сари юз тутаверяркан. Ғойибназар Искандар бова ўғли ҳам истеъдоднинг нодирлиги, санъат оламини кузатишдаги синчковлиги, энг муҳими, ўзига ва ўзгаларга қаттиққўл ва талабчанлиги туфайли юрт саркорларининг назарига тушиб, у янги қад кўтарган санъат даргоҳларида раҳбар сифатида ҳам фаолият кўрсата бошлади. 1963 йилда Хоразм вилоят телевидениесининг ишга туширилиши тарихи ҳам Ғойибназар Искандаров номи билан боғлиқ десам асло муболаға бўлмас. Унинг Хоразм вилоят телевидениеси режиссёрлари жамоасига анча вақт устозлик қилиши, зангори кўзгу сирларини батафсил ўргатишининг ўзи алоҳида бир мавзу.

Энди Ғойибназар Искандар ўғлининг ижодий фаолиятида катта ўрин эгаллаган ижодий даргоҳлар ҳақида бирма-бир гапираверсак, адоғи йўқ. У бу орада яна Ўзбекистон ойнаи жаҳонига қайтиб жуда самарали ишлар қилди. Кейин Жиззахда Юнус Ражабий номидаги мусиқий драма ва комедия театрига бош режиссёр бўлди. Шу ерда Шукрулло домланинг ҳам ҳазил, ҳам киноя ила айтган сўзларини эслаймиз- «Театр эски мачит биносига жойлашган экан. Жуда кичик саҳна. Хуллас, театр биноси дейишгаям унчалик тил бормайди. «Бу саҳнада келин бечоралар қанақа қўзғолон қилишаркан, Шукрулло», деди парда очилиш олдидан Саид Аҳмад менга боққанча истеҳзоли кулиб... Парда кўтарилиб, спектакль бошланди. Ё қудратингдан, парда кўтарилиши билан шу кичик саҳнада ажиб бир манзара — ҳали биз тасаввур қилмаган бир оламга кўзимиз тушиб.., ҳайратлана бошладик... Фармонбиби гўзал бир ўзбекий оламнинг эгаси мисол нақшинкор сўрида бахмал тўшакларда мағрур ўлтирар, келинлар эса атрофидаги турли дарахтлардан мевалар узиб, қайнонага навбатма-навбат ибо-ла тортиқ қилишар, онаизор фарзандлар яратган мевага ғарқ бўстонга завқ ила тикилиб, беҳад шодланар, келинлар эса қайнона шодлигига шерик бўлишиб, куйлашганча, елиб-югуриб рақсга тушишарди. Хуллас, биз кутилмаганда ўша кичик саҳнада «кўримсиз намат остидан чиқиб қолган инсон — санъат аталмиш «бебаҳо тилло»га кўзимиз тушди-ю, ҳайратимизга ҳайрат қўшилди. Мана, дўстим, — дедим спектакл тугагач Саид Аҳмадга мамнун боқиб, кичик саҳнанинг катта каромати! Бунга нима дейсиз? У бўлса «Мен таслимман», деди-ю, ёнимизда бизнинг баҳоимизга мунтазир турган режиссёр Ғойибнаар Искандаровни бағрига босди...».

Ўшандан кейин кетма-кет «Зўраки табиб», «Ҳийлаи шаърий», «Бўлинган орол», «Ойгул ва Бахтиёр» спектаклларини саҳналаштириб, театр мутахассисларининг диққатини жалб эта бошлади.

Театр танқидчилари орасида шундай гап бор, яъни «Ҳар бир режиссёр — аввал ўзи актёрлик дунёсини билмаса, ўзи саҳнада роллар ўйнаб, образлар ярата олмаса, қайси бир санъат даргоҳида бўлмасин, ундай одам ҳеч қачон етук режиссёр бўла олмайди». Ғойибназар Искандар ўғли ҳам актёрликни қойиллатиб, сўнгра режиссёрликка ихлос қўйганлардан.

У киноактёр сифатида ҳам бир неча эсда қоларли образлар яратди. Бунга «Келинлар қўзғолони» фильмидаги Фармонбибининг тўртинчи ўғли Маҳкам, «Собир Раҳимов» бадиий фильмидаги ўзбек аскари ва бошқа фильмларда яратган қатор образлари мисол бўла олади.

У 1987 йилдан бошлаб республика радиосининг адабий-драматик эшиттиришлар таҳририятида етакчи режиссёр сифатида фаолият кўрсатиб келаяпти. Мана, шу ўтган йиллар ичида тажрибали режиссёр талайгина, ҳар жиҳатдан салмоқли, эсда қоларли радиоасарлар яратишга ҳам улгурди. Унинг режиссёрлигида радиомонтаж қилинган театр спектаклларидан - «Навоий», «Ғаройиб гадо», «Фиғон», «Авлодлар қиличи», «Сабъан сайёр», «Бир сиқим тупроқ», «Семурғ», «Жонимни ол, жонгинам», «Соҳибқирон Темур», «Сарбадорлар», «О, тангрим суюнчи бер» каби драмалар ҳам республика радиосининг олтин фондидан жой олди.

Биз билан бўлган суҳбатларнинг бирида Ғойибназар ака маъноли оҳангда шундай дейди: «Яқиндагина бола эдик, ўйинғоҳ сари чопдик, мактабга бордик, уни тугатиб институт сари чопдик, ундан театрларга, театрдан телевидение, кино ва радиога... лекин қай даргоҳда из қолдирдик, ҳали бу жумбоқ»...

Мен эса бу саволга ўзимча жавоб излайман. Йўқ, Ғойибназар ака, сизнинг ҳар қадамда ўз-ўзингизга бераётган саволингиз сиз томондан жавобсиз қолаётгани йўқ.

Биз юқорида тилга олган, сиз фаолият кўрсатган ҳамма санъат даргоҳларида сизнинг ўчмас изингиз қолган. Дўстлар, шогирдлар қалбида бир умрга муҳрланиб, ўгитингиз, сўзингиз қолган. Шунинг учун ҳам сиз 1981 йилнинг баҳорида республика ҳукумати томонидан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» деган муборак унвон билан тақдирландингиз. Биз сиздан ёшингизни сўраганимизда «Худо ҳоласа 60 баҳор остонасида турибмиз, дўстларим», дединг. Аммоки шу олтмиш баҳор остонасига етгунча қанчалаб йўл юрилди, қанчалаб азияту шодлик онларига рўбарў келинди. Лекин сизнинг бу дамларни беҳуда ўтказмаганлигингизни киши кўз олдига келтирганида, қалбида виждони бор одам албатта Сиздан ва Сиз каби инсонлардан ибрат олишга ўзида масъулият сезади.

Нодирахон, Гулноз, Саодатхон, Сайёрахон исмли гўзал, оқила қизлару, ўзингиздек санъатсевар Шерзод исмли барно йигит отаси, чеҳралари гул мисол талай неваралар бобоси, лекин ўзлари йигитдек ўктам Ғойибназар Искандаров, сизни 60 баҳор остонасида ўзингиз улғайтирган санъат бўстонидаги ранг-баранг гуллар, ўзингиз сеҳрла сайрашга ўргатган хуш суҳан қўшиқчи ва булбуллар қарши олсин. Олтмишинчи остонангиз муборак бўлсин.

Ҳайитмат РАСУЛ.



Самарқандда ўзбек-турк мўжаз корхонаси дори-дармон ишлаб чиқаришни бошламоқда. Бу ерда антибиотикларнинг кенг турлари, иссиқ туширувчи, ошқозон-ичакни даволовчи ва бошқа дори-дармонлар ишлаб чиқариляпти. Завод замонавий ғарб техникаси асосида иш юритмоқда.

СУРАТДА: тайёр дорилар қутичаларга жойлаштирилмоқда.

Д. ҒАФУРОВ (ЎзА) олган сурат.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ДОРИ-ДАРМОН КЎПАЯДИ

Яқин орада мамлакатимиз, қолаверса, барча Марказий Осиё давлатлари дорихоналарида «Гуфик—Авиценна» деган турли хил дори-дармонлар пайдо бўлади. Айни пайтда Бухоро шаҳрининг жанубий чегарасида қад кўтарган янги корхонада пардозлаш ишларига киришилган. Бу ишларни қишлоқ қурилиши тресги бунёдкорлари амалга оширишмоқда. Уларга Бухоро туманидаги «Маданият» жамоа хўжалиги ҳузуридаги қурилиш бошқармаси бинокорлари, Бухоро ремонт-механика заводи монтажчилари ёрдамга келишган.

Қурилиш нормаларига биноан бундай миқёсдаги ишни амалга ошириш учун 42 ой мудат керак. Лекин барча ишларнинг бир маромда ташкил этилгани, қурувчиларнинг ғайрати туфайли муддатни кескин қисқартириш имкони туғилди. Ўтган йилнинг баҳорида бошланган қурилишни шу йилнинг охиригача поёнига етказиш учун барча тадбирлар кўриляпти.

Шу мақсадда ташкил этилган қурилиш штабига вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Ҳусенов бошчилик қилмоқда. Штаб ҳар куни йиғилиб, юзага келган муаммоларни дарҳол бартараф этиш тадбирларини кўряпти. Натижада, қурилиш материалларининг ниҳоятда тақчиллигига қарамай суръат бир зайлда сақланмоқда.

Корхонанинг муҳандислик коммуникациялари асосан тайёр ҳолга келтирилди. Энди ҳамма гап фармацевтика асбоб-ускуналарини ўрнатишни тезлаштишда. Ҳиндистон томони бу ишни 1,5 ой ичида бажариш ниятида. Яқин кунларда у ердан бунинг учун зарур асбоб-ускуналар, малакали мутахассислар етиб келишади.

Албатта, бухороликлар учун янги бўлган технологияни ўзлаштириш дастлабки пайтда осон бўлмайди. Корхонада 80—90 киши меҳнат қилиши кўзда тутилган. Улар бир йилда 50—70 миллион дона таблетка ишлаб чиқаришлари лозим.

Яқинда корхона қувватини ошириш соҳасида янги имконият вужудга келди. Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигида Францияга давлат ташрифи қилган делегация таркибига кирган Бухоро ҳокими У. Носиров бу ривожланган мамлакат фармокология бош лабораторияси директори Стильвестр Пуэл жаноблари билан ҳамкорлик тўғрисида келишиб қайтди. Француз томони Қизилқумда ўсадиган гиёҳлар таркиби билан қизиқмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, яқин вақт ичида маҳаллий гиёҳлардан ҳам бу ерда дори-дармонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади...

Нусратилло НАИМОВ.

ҒЎЗАПОЯДАН ҚУРИЛИШ АШЁЛАРИ

Бундан ўн йил муқаддам Жиззах шаҳрида бошланган мебель фабрикаси қурилиши яна жонланди. «Ўзбекмебель» давлат-акционерлик бирлашмаси билан келишилган ҳолда қурилаётган бу фабрика шу йилнинг охирида ишга туширилиб, йилига 5 миллиард сўмлик мебель маҳсулотлари ва 2 миллиард сўмлик қурилиш ашёлари ишлаб чиқарилади.

Хитой Халқ Республикасининг «Нункель» фирмаси келишилган битимга кўра ёғоч толаларидан фанер ишлаб чиқарадиган цех жиҳозларини етказиб беради. Германиянинг «Ферустал—2» фирмасидан олинадиган жиҳозлар ёрдамида эса ёғоч қипиқларидан плиталар тайёрлаш йўлга қўйилади. Бу қурилиш ташкилотлари аҳолини арзон қурилиш ашёлари билан таъминлаш имконини беради.

Энг муҳими, фабрика ишлаб чиқарадиган қурилиш ашёлари ғўзапоядан тайёрланади. Шунинг учун ҳам вилоят ҳокимлиги пахтачилик билан шуғулланадиган туманларга ҳосил йиғим-теримидан сўнг ўн минг тонна ғўзапоя тайёрлаб бериш вазифасини топширди.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

АКС-САДО

БЕФАРҚ ҚОЛИШМАДИ

«Ўзбекистон овози» газетасининг 1993 йил 3 октябрь сонида эълон қилинган «Санкт-Петербургга борай дейман...» мақоласи кўпчилик муштарийларни бефарқ қолдирмади. Жумладан, Ўзбекистон пахта саноати давлат акционерлик уюшмаси Фарғона вилоятн кенгаши аъзоси бош директори, ЎзХДП Фарғона вилоят кенгаши аъзоси Аъзамжон Бўриев ташаббуси билан бу жамоа Эркинжон Қосимов номига очилган ҳисоб рақамига 300 минг сўм пул ўтказишга қарор қилди.

А. ПЎЛАТОВ,

ЎзХДП Фарғона вилоят кенгашн бўлнми мудири.

• *Маданият хабарлари*

СЕН ШУЛАСЕН...

● Алишер Навоий номидаги Давлат кутубхонасида темурийлар халқасининг йирик вакили, моҳир лашкарбошн, улуғ адиб ва аллома Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллигига бағишланган китобхонлар конференцияси ва китоб кўргазмаси бўлиб ўтди.

Конференциянинг дастлабки дақиқаларида қизлар турли тилларда Бобур рубоийларидан намуналар ўқишди. Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчиси жаноб Далиб Мехта сўзга чиқди ва ҳинд халқининг эсдалик совғасини мамнуният билан топширди. Шундан сўнг Мирзо Бобурнинг тарихий асарлари, нафис шеърияти устида узоқ йиллар тадқиқот олиб борган Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори профессор Азиз Қаюмов, ТошДУ доценти Норқул Бекмирзаев, Беруний мукофотининг лауреати, олима Суйимахон Ғаннева, ёзувчи Пиримқул Қодиров, кутубхона раҳбари Рустам Алимов сўзга чиқдилар.

Озода БЕКМУРОДОВА,
ТошДУ толибаси.

* * *

● Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ҳам шоир таваллудига бағишланган илмий-адабий анжуман бўлиб ўтди.

Унда шоир Қамчибек Кенжа сўзга чиқиб Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқаро хайрия жамғармаси қошида ташкил этилган «Бобур» илмий экспедициясининг фаолияти ҳақида ва жумладан, Бобурнинг адабий меросига Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Арабистон, Туркия ва бошқа мамлакатларда ҳам катта эътибор берилаётганлиги хусусида тўхталиб ўтди. Сўнгра Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи ходими Баҳодир Валиев, шу институтнинг Ўзбекистон тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Абдурашид Яхшимуродовлар сўзга чиқдилар. Анжуманда Ҳиндистоннинг қадимий Агра шаҳрида жойлашган Тожмаҳал мақбараси, унинг шу кунлардаги аҳволи ҳақида қизиқарли мулоҳаза ва фикрлар билдирилди.

Норбек УСАНОВ.

• *Ўзбекистон ва жаҳон*

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

Ўзбекистон ва Ҳиндистон бир-бири билан азалдан дўстлик ришталари билан боғланган. Икки буюк халқнинг анъаналари ва маданиятида, маънавий ва этник қадриятларида жуда кўп умумий ўхшашликлар бор. Шу туфайли ҳам Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигини дунё мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб тан олганлиги бежиз эмас. Зотан, илгари ҳам икки ўртада олимлар, маданият арбоблари, соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси ходимлари делегациялари мунтазам борди-келди қилиб турган бўлса-да, икки дўст мамлакатда юксак погонадаги ваколатхоналар очилганидан кейин бу муносабатлар янгича руҳ, ўзгача мазмун касб этди.

Яқинда Тошкентда Ҳиндистондан келган хайрия ёрдами — катта миқдордаги дори-дармонларнинг топширилишига бағишлаб, «Экосан» Халқаро Экология ва саломатлик жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тиббиёт муассасалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда сўзга чиққан Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги элчиси жаноб Далеп Мехта республика соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари Р. Султонов, «Экосан» жамғармасининг бош директори М. Раҳимов ва икки мамлакатнинг бошқа расмий вакиллари Ҳиндистон билан Ўзбекистон ўртасидаги узвий ва мустаҳкам ҳамкорлик ҳақида гапирдилар.

«Экосан» жамғармасининг бош директори М. Раҳимов республикадаги қийин экологик аҳвол, мавжуд муҳитнинг инсон саломатлигига таъсири ҳақида қисқача гапириб берди.

Учрашув пайтида жаноб Далеип Мехта камёб саналган дори-дармонларни Ўзбекистоннинг даволаш муассасалари раҳбарларига топширди.

Маъмур НАЗАРОВ,
«Экосан» жамғармасининг матбуот котиби.

• *Спорт*

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Тошкентдаги «Меҳнат резервлари» спорт комплекси бир неча кун гавжумлашиб турди. Бу ерда профессионал боксчи Сидней Жаксон хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро мусобақа муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Хотира-совринни узун кураш бу сафар ҳар қачонгидан яхши ташкил этилди. Боксчилар саралаш учрашувларидан бошлаб мусобақа ғолиби бўлишга астойдил интилдилар. Яқинда Тошкентда «Мустақиллик кубоги» учун ўтказилган мусобақанинг иштирокчилари яна рингга кўтарилиб, мухлисларни қувонтиришга уринишди. Ўтган якшанба куни ўтказилган ҳал қилувчи учрашувлар эса қизғин ва муросасиз баҳсларга айланди.

48 килограмм вазнли боксчиларимиздан Фарҳод Нишонов билан Дилшод Йўлдошевлар баҳси ҳам қизғин ўтди. Бу гал Дилшоднинг қўли баланд келди. У жами ғалабаларини 60 тадан оширди. 54 килограмм вазнли боксчилар баҳсида душанбелик Хуршид Ҳасанов билан тошкентлик Абдураҳмон Камолов рингга чиқдилар. Уч раунд мобайнида астойдил маҳорат кўрсатишга ҳаракат қилган Абдураҳмон очколар ҳисобида совриндор бўлди. Мухлисларга яхши таниш, жаҳон чемпионатининг совриндори Ҳикматилла Аҳмедов эса финалгача етолмади. У кутилмаганда лат еб ўйиндан чиқди. Унинг ўрнида бишкеклик Тоғайбек Қодиралиев билан қўқонлик Рифкат Эралиевлар куч синашишди. Рақибини икки марта нокдаунга учратиб, бош совринни олди. Боиси. Жаксон ҳам шу вазнда эди.

Шунингдек, халқаро мусобақада тожикистонлик Темур Шобуров, қўқонлик Хуршид Тўраев, тошкентлик Наримон Отаев, душанбелик Икром Бобоев, Ўзбекистон вакили Абдували Хафизтожиев ҳамда халқаро классдаги спорт устаси таниқли боксчимиз Игор Бунинлар ғалаба нашидасидан баҳраманд бўлишди. Айниқса Ўзбекистон «Мустақиллиги кубоги» учун мусобақа ғолиби тошкентлик Наримон Отаев билан унинг ҳамшаҳри Нуриддин Атаков учрашуви ишқибозларда катта қизиқиш уйғотди. Тажрибали Отаев уч раунд мобайнида ҳужумкорликка зўр бериб, мухлису мутахассисларни мамнун этди. 63,5 килограмм вазнли қўқонлик Хуршид Тўраев билан андижонлик Рашид Алиматов учрашуви ҳам олқишларга сабаб бўлди. Хуршид рақибига икки бор нокдаун зарбини бериб, ғалаба қозонишга имконият яратди.

Бу мусобақада бир неча бор ғолиблик супасига кўтарилган қўқонлик боксчиларнинг муваффақияти бу ерда спортнинг мазкур турига алоҳида эътибор берилаётганидан далолатдир. Ўйлаймизки, қўқонлик боксчилардан келажакда халқаро спорт усталари камол топади. Республика боксчилари энди Осиё ўйинларига шайланадилар.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

Бошқирдистон пойтахти Уфа шаҳрида ўсмир боксчилар ўртасида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Муса Гареев хотирасига бағишланган мусобақалар ўтказилди. Мутахассислар бир ҳафта мобайнида муносиб ўринбосарлар камол топаётганини кўздан кечирдилар.

250 дан ортиқ боксчи иштирок этган бу мусобақада Ўзбекистон ёшлари ҳам бўш келмасликка ҳаракат қилишди. Хусусан, Р. Янгирев, А. Раҳимов, Р. Муродов, М. Саидов, М. Нажимов, Л. Анваровлар ғолиблик супасига кўтарилиб, ишқибозларни мамнун этишди.

ОСИЁ УЮШМАСИГА АЪЗО

Ўзбекистон Республикаси академик эшкак эшиш усталари Осиё федерациясига қабул қилинди.

Сеул шаҳрида спортнинг мазкур тури бўйича қитъа чемпионатига бағишлаб ўтказилган конгрессда шундай қарорга келинди. Бундан ташқари Қозоғистон ва Туркманистон эшкак эшувчилари ҳам мазкур уюшмага аъзо бўлишди. Энди Ўзбекистон спортчилари келаси йили Осиё ўйинларида иштирок этадилар. Бу мусобақа Хиросима шаҳрида бўлади. Унгача эшкак эшувчиларимиз Исломободда ўтказиладиган Осиё чемпионатида қатнашадилар.

ДИНАМОЧИЛАР ИЗДОШЛАРИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ходимларининг «Динамо» спорт жамияти етакчи спортчилари, тренерлари ва фахрийлари билан тантанали учрашув бўлди.

Олий ҳарбий-техника мактабидаги учрашувда турли йилларда динамочилар байроғини баланд кўтарган, халқаро майдонларда маҳорат кўрсатган фахрийлар тўпланишди. Фахрийлар орасида Жаҳон, Европа ва СССР биринчиликларида ғолиб чиққан, жаҳон кубогини қўлга киритган спортчилар бор эди. Ҳозир уларнинг шогирдлари Ўзбекистон Республикасининг спорт шарафи учун курашишмоқдалар. Шу йилнинг ўзида нуфузли мусобақаларда йигирмага яқин олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритдилар. Учрашувда отахон динамочиларга диплом ва совғалар топширилди.

«САЛОМАТЛИК МАРКАЗИ» ФИРМАСИДА

МОНГОЛ АНЪАНАВИЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ШИФОКОРЛАРИ

сурункали гепатит, гастрит, холецистит, буйрак ва юрак-қон-томир системасининг сурункали касалликлари билан оғриган беморлар маслаҳат-кўригини ўтказмоқдалар ва даволамоқдалар. Улар томир уришига қараб ташҳис қўйиш, уқалаш, қон чиқариш, фитотерапия (доривор ўсимликлар) даволаш усулларини мукаммал биладилар.

ХИТОЙ ХАЛҚ ТАБОБАТИ ШИФОКОРИ ДУЛАТ ИЛИДАН

ортопедия бўйича беморларни қабул қилади.

У игнатерапия, нуқтали ташҳис, термомагнит уқалаш даволаш усулларини мукаммал билади.

Иш тартиби: соат 8.00 дан — 17.00 гача

Манзилимиз: «Правда Востока» кўчаси, 6-уй.

Телефонлар: 33-49-20, 33-80-00.

Фирма сифатли текширув ва даволанишга кафолат беради.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

«Ўзбекистон овози» газетаси меҳнат жамоаси газетанинг собиқ ходими «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири

Талабой НАЗИРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг қариндош-уруғлари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг республика кенгаши кенгаш раиси Ориф Алимович Алимовга умр йўлдоши

Карима Усмоновна АЛИМОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН


Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85; Бухорода — 3-96-12; Гулистонда — 2-26-22; Жиззахда — 3-31-86; Навоийда — 3-74-76; Наманганда — 6-43-43; Нукусда — 4,44-62; Қаршида — 3-25-79; Қумқўрғонда — 52-624. Самарқандда — 35-22-90; Урганчда — 6-72-60; Фарғонада — 6-37-16.

●Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—635. № 217. топширилди — 24.00.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, А. ПЎЛАТОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.